

# VATANPARVAR



Сайтимиёга ўлиш учун QR-коднинг телефон орқали скенер қилинг.



## ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ – МУВАФФАҚИЯТ ДЕМАК



8-9-бетда

«ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТ!»



22-бетда

ОЛИСДАГИ ОВУЛДА ИСЛОҲОТЛАР АКСИ

Чақирув – 2020: ўғлонларни Қуролли Кучлар сафига кузатиш тadbирлари бошланди



- 3** ЎЗБЕК ТИЛИДА НЕЧТА ФРОНТ ГАЗЕТАЛАРИ ЧИҚҚАН?
- 11** МЕН ЖИМ ТУРОЛМАЙМАН
- 13** «САРДОР» БАДИИЙ ФИЛЬМИНИНГ ЯРАТИЛГАНИГА 20 ЙИЛ БЎЛДИ
- 17** ЖАМИЯТДА ЯНГИ «КАСБ» ПАЙДО БЎЛДИ





## ЭХТИРОМ

АЗИЗ ВА  
МУЪТАБАР АЁЛ

Мудофаа вазирлиги тизимида  
хизмат қилаётган аёллар учун  
байрам дастурхони ёзилди.



8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан ташкил этилган байрам тадбирларида вазирлик қўшинларида хизмат қилаётган аёлларга Ўзбекистон мудофаа вазирининг байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

Тадбирда ҳукуратимиз томонидан аёл-қизларнинг мавқеини ошириш, ижтимоий ҳимоясини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар алоҳида қайд этилди. Бир гуруҳ фаол аёллар муносиб рағбатландирилди.

Тадбирда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли, Мудофаа вазирлиги ҳарбий оркестри ҳамда таниқли эстрада юлдузлари барчага байрамона кайфият улашди.

**Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА**

«ҲАМДЎСТЛИК – 2020»  
ўқув машғулоти

Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаси Мудофаа вазирликлари ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликка мувофиқ, 11 март куни Тожикистон Республикаси Хантон вилоятида жойлашган «Фаҳробод» дала-ўқув майдонида «Ҳамдўстлик – 2020» ўқув машғулоти бошланди. 14 мартга қадар давом этадиган машғулотларда ҳар икки давлат ҳарбийла-

ридан иборат бўлинмалар шартли террорчи гуруҳларни йўқ қилиш бўйича ўзаро тажриба алмашадилар.

Ўзбек – тожик ўқув машғулоти тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сониде батафсил танишасиз.

**Ислоҳжон ҚЎЧҚОРОВ,**  
Тожикистон Республикаси Хантон вилояти

## ЧАҚИРУВ – 2020

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 6 март куни «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Қарорга асосан чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш тизимини такомиллаштириш, мазкур жараёни амалга оширишда очиклик ва шаффофликни таъминлаш, номзодларга қўшин турларини танлаш имкониятини яратиш, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақириш жараёнидаги бир-бирини тақрорловчи тадбирларни истисно этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафини ҳар томонлама етук, соғлом, жисмонан бақувват, интеллектуал салоҳиятли чақирилувчилар билан бутлаш, чақирилувчилар онгида миллий ғурур, она юртга садоқат, ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғусини кучайтириш, муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг мавжуд тизимини оптималлаштириш, чақирилувчиларни тиббий кўриқдан ўтказишда бир-бирини тақрорловчи босқичларни соддалаштириш ҳамда сифати ва самарадорлигини ошириш, тиббий кўриқдан ўтказишнинг ҳолислигини ва тезкор амалга оширилишини таъминлашга йўл қўймайдиган мавжуд тизимни қайта кўриб чиқиш, чуқурлаштирилган тиббий кўриқларни ҳарбий округлар ҳарбий госпиталлари мута-

ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА  
ЧАҚИРИШ ТИЗИМИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

хассислари томонидан ўтказиш, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, шунингдек, ҳарбий округ кўмондонларининг шахсий жавобгарлигини ошириш қатъий белгиланди.

Бундан буён мазкур қарор билан тасдиқланган «Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга қабул қилиш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомга кўра, ҳарбий округ қўшинлари кўмондонлари чақирилувчиларни ҳарбий хизматга чақириш тадбирларининг ўтказилишига умумий раҳбарлик қилади, шунингдек Раҳбарият кенгаши, ҳарбий-тиббий комиссия, бутлаш комиссияси, ҳудудий комиссия ва ҳудудий тиббий комиссияларнинг самарали фаолият юритиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилди.

Энди ҳар йили туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ҳузуридаги ҳудудий тиббий комиссиялар ҳамда туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ҳузуридаги бутлаш комиссиялари – 15 февралдан 30 апрелгача, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар йиғиш пунктларида ҳарбий-тиббий комиссиялар ҳамда

мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги Раҳбарият кенгаши – 20 февралдан 30 апрелгача, туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ҳузуридаги ҳудудий комиссиялар – 1 мартдан 30 апрелгача тиббий кўриқни амалга оширади.

Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш бўйича комиссиялар аъзоларининг (контракт бўйича ҳарбий хизматчилар бундан мустасно) доимий иш жойи (лавозими) ва ўртача ойлик иш ҳақи улар мазкур Низомда белгиланган мажбуриятларини бажарадиган бутун давр мобайнида сақлаб қолинади.

Бутлаш комиссияси, ҳарбий-тиббий комиссия ҳамда ҳудудий тиббий комиссия қарори ва ҳулосасидан норози бўлган чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари Раҳбарият кенгашига, шунингдек, белгиланган тартибда судга шикоят қилишлари мумкин.

Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Адлия майори Шавкат РАЖАБОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий  
прокурорининг ёрдамчиси



## ЭКСКЛЮЗИВ СУХБАТ

ЎЗБЕК ТИЛИДА НЕЧТА ФРОНТ  
ГАЗЕТАЛАРИ ЧИҚҚАН?

Матбуот – ижодий ва техник жамоанинг қалб кўри, кўз нури, машаққатли меҳнати маҳсули. Орадан неча йил, неча аср ўтса ҳамки, унинг ҳар саҳифаси ноёб топилма сифатида тарих қатига сир-синоату тилсимлардан гувоҳлик беради. Илмий ва ижодий фаолияти серқирра, айна пайтда долзарблиги билан ажралиб турадиган профессор, тарих фанлари доктори Рустамбек Шамсутдинов ўтмиш матбуотига юзланган кам сонли олимлардан. Унинг «Akademnashg» нашриётида чоп этилган уч томли «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» китоби аллақачон қўлма-қўл бўлиб ўлгурган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиби Рустамбек Шамсутдинов билан кечган эксклюзив суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этамиз.



тарихчилар эътиборидан четда қолиб кетаётгани бизни шу бўшлиқни тўлдиришга ундади.

**– Илмий нуқтан назардан қараганда, тарих, муҳофаза ва матбуот илми алоҳида ихтисосликлардир. Сизнинг тадқиқотингизда бу уч йўналишнинг уйғунлашувига сабаб нима?**

– Аввало, тарихнавис бўлишимда газетанинг ўрни катта. Самарқанд давлат университетиде ўқиган кезларим ҳафтанинг жума кунлари ҳарбий соҳадаги амалий ишлар билан танишар эдик. Ҳарбий кафедра профессори, тарихчи, захирадаги офицер Юрий Алескеревнинг илмий ва публицистик фаолиятига ҳавасим ортиб, унга ўхшашни орзу қилардим. Устозимнинг ўғити ва маслаҳати билан таътил вақтида Андижондаги архивларда изланиш олиб борардим, тўплаган материалларим асосида газеталарда мақолалар чиқарардим. Битирув-малакавий ишни ҳимоя қилаётганимда, мавзу бўйича 36 та мақолам эълон қилинган эди. Шунда профессор И. Умняков, деканимиз доцент М. Аминов диплом ишимни ярим номзодлик диссертацияси бўлибди, деган хулосага келганларида, қувониб кетганман. Бу менга катта илҳом берди. Ўқишни битирган, СССР Фанлар академияси Тарих институтида номзодлик, кейинчалик докторлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Илмий ишимга аввал профессор И. Беркин, кейин тарих, матбуот, публицистика илмида тобланган академик Ю. Поляков раҳбарлик қилган. Янгилликлардан руҳланиб, ёзган мақолаларим «Ўзбекистон овози», «Правда востока», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш Ленинчи», «Шарқ юлдузи», «Мулоқот», «Гулистон» каби газета-журналларда пайдар-пай чиқа бошлади, ҳатто «Мулоқот», «Гулистон» журналларига мени таҳрир аъзоси қилиб тайинлашди.

1991 йили ҳозирги «Андижоннома» газетасининг 70 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан менга Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 28 майдаги фармони би-

лан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилди. Шундан бошлаб «Андижон области матбуот тарихи», «Пахта фронти» ва Иккинчи жаҳон уруши давридаги матбуот материаллари билан астойдил шуғулландим.

**– Сиз мисқоллаб тўплаган, ўрганган манбаларингиз ўзбек ҳарбий журналистикаси тарихий илдишларининг асоси ҳисобланади. Ана шу тарихий меросни бир қўлда қурол-у бир қўлда қала билан битиб қолдирган ўзбек журналистлари ҳақидаги фикрларингизни билдирсангиз.**

– Ўзбек ҳарбий журналистикаси илдишларининг асоси деган тушунчани тўғри қўлладингиз. Ҳақиқатан ҳам, 1942–1945 йиллардаги «Ватан шарафи», «Ватан шарафи учун», «Душманга қарши олға», «Фронт ҳақиқати», «Галаба байроғи», «Совет жангчиси», «Қизил аскар ҳақиқати», «Қизил армия», «Суворовчи», «Бонг», «Атакага», «Душманни тор-мор этишга» номли ўзбек тилидаги газеталар ўзбек ҳарбий журналистикасига асос бўлиб хизмат қилади. Аввал Ўзбекистонда ҳарбий журналистика бўлмаган. Мазкур мавзу бўйича биринчи бор «Ўтқир эди қалами» номли мўъжаз бир китобча 1965 йили «Ўзбекистон» нашриётида чиққан. Унда фронтчи журналист, адиб Мумтоз Мухаммедовнинг «Инсон мадҳи» (Ғ. Фафуров ҳақида (1909–1944), журналист, фронтчи Мели Журанинг «Обиджоннинг мактуби», «Оташқалб йигит» (Б. Турсунов ҳақида (1916–1945), ёзувчи Мирзақалон Исмоилийнинг «Барҳаёт қиз» (3. Шамсиддинова ҳақида (1926–1945), Наби Юсуфийнинг «Хатдаги доғ» (С. Валиев ҳақида (1905–1942), Адхам Раҳматнинг «Жангчи шоир эди» (Султон Жўра ҳақида (1910–1943), «Редакцияга қайтиб келмади» (А. Шарафутдинов ҳақида 1910–1945), «Отани эслаб...» (С. Орзуметов ҳақида (1907–1943), Расул Мухаммадийнинг «Қураш билан ўтган умр» (Х. Иззатий ҳақида (1909–1945) мақолалари ўрин олган.

Шунингдек, таниқли журналист, муҳаррир Холбек Ёдгоровнинг 1968 йили «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Нурли йўл» китобининг муайян қисми Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонлик жангчи-журналистларнинг жанговар публицистик фаолиятини таҳлил қилишга қаратилган. Бу асар ҳам ўзбек журналистикасининг биринчи босқичига мансубдир.

**– Архивлардаги нодир тарихий ҳужжат ва босма нашрлар билан танишиш осон кечмайди. Бир эмас, уч китоб учун салмоқли материалларни йиғиб, жамлашга қандай эришдингиз?**



– Архив ҳақида сўз очдингиз. Мен талабалик даврида ҳар йили таътил вақтини Андижондаги вилоят давлат архиви, Жалолобод давлат архивида танлаган мавзуим бўйича ҳужжат ва материаллар қидириш билан ўтказар эдим. Номзодлик, докторлик диссертацияларим устида изланганимда Москвадаги деярли барча архивларда, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистоннинг марказий архивларида тадқиқот олиб бордим. Ҳатто, Москвадаги ҳозирги Россия Федерал хавфсизлик хизмати архивида ўзбеклардан биринчи бўлиб Урта Осиё ва Ўзбекистон тарихига оид ўта махфий ҳужжатлардан фойдаландим. Архивда ишлаш бўйича малака орттирдим. Ана шу тўплаган архив ҳужжатлари бўйича тарихимизнинг долзарб мавзуларига оид бир неча архив ҳужжатлари тўпламларини нашр эттирдим.

Фронт газеталаридаги материалларни таҳлил қилиб, яхлит китоб ҳолига келтириш мураккаб жараёнларни ўз ичига олди. Бир неча бор Москвадаги Ленин номидаги Россия давлат кутубхонаси, унинг Химки шаҳридаги филиали, Санкт-Петербург кутубхонаси билан қайта алоқа ўрнатиб, газета таҳламларини кўздан кечирдим. Уларнинг электрон вариантини тайёрлаш учун буюртма бериш, бу ҳақда шартнома расмийлаштириш, шартнома асосида келишилган маблағни толиб, кутубхоналарнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш билан шуғулланишга тўғри келди. Шундай бўлса-да, ҳали тўлиқ ўрганилмаган ўзбек тилидаги бошқа газеталар ҳам бор.

Ҳозиргача аниқланган маълумотларга кўра, Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек тилида жами ўн учта фронт ва учта дивизия газеталари чоп этилган. Шу боис, изланиш, ўрганишларимизни давом эттирган ҳолда, «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари»нинг 4-китобини чиқариш ниятланмади.

**– Бу йўлда ва келгуси ишларингизда муваффақият ёр бўлсин! Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.**

Д. РЎЗИҚУЛОВ суҳбатлашди.

**– Иккинчи жаҳон уруши давридаги матбуот материалларини тўплаб, яхлит китоб ҳолига келтириш, уни таҳлил этиб, халқимиз эътибори, ўқувчилар оmmasига тақдим этишингизга нима туртки берди?**

– 2016 йил сентябрда илмий сафар билан Ленин номидаги Россия давлат кутубхонаси, унинг Химки шаҳридаги филиалида, Давлат китоб палатасида, ГУЛАГ музейида, Москва ёнидаги Дмитров лагерининг музейида бўлиб, Москва–Волга канали қурилишида иштирок этган ўзбекларнинг 1937–1938 йилларда Бутово полигошида отилгани ҳақида, 1942–1945 йилларда фронтда ўзбек тилида ҳафтада икки марта чиқиб турган ҳарбий газеталар таҳламларини топиш билан шуғулландим. Бунинг боиси шунда эдики, 1968 йилдан ҳозиргача олий ўқув юртлири учун Ўзбекистон тарихи фанидан ўқув қўлланма ва дарсликлар бир неча мартаба қайта нашр этилганига қарамай, унда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага Ўзбекистон ва ўзбек халқининг қўшган муносиб ҳиссаси етарли даражада очиб берилмаган эди. Айниқса, ўзбек ҳарбийларининг жанг майдонларидаги жасорати, халқимизнинг фронтда, фронт ортидаги буюк хизматлари, фашизмга зарба беришда Ўзбекистондан, умуман, Ўрта Осиёдан меҳнат армиясига олинган «қуролсиз аскарлар»нинг жасорати, оғир, фожиа талқиди каби масалалар ёритилмай қолган эди. Ўзбекистондан Ватан ҳимоясига сафарбар қилинган «қуролсиз аскарлар» миқдори унчалик аниқланмаган.

Ҳарбий асирлар тақдирига ҳамон бир ёқлама баҳо берилган бўлиб, шу каби бир қанча мавзулар ўз ечимини топмаган эди. Тарихимизнинг ана шу кемтик соҳаларини тўлдириш учун фронтлардаги ҳарбий газеталарнинг нодир манба сифатида илмий истеъмолга киритилиши давр талабидир. Уша фронт газеталари муҳим манбалардан бири экани, аммо улар



## ХАВАРЛАР

### «ТИЛИВИЗОРГА ЧИҚАРАСИЗЛАРМИ?»

1942 йил 18 ёшида урушга сафарбар этилган Бексеит Баймирзаев бугун Юқори Чирчиқ тумани Бирлик маҳалласининг обрў-этибор топган нуроний отахонларидан бири. У уруш тугаганидан кейин икки йил ўтиб, 1947 йил уйга қайтди. Беш йил аввал ёр ўспирин бўлган Бексеитнинг кўксигадаги жанговар орден ва медаллар унинг жанггоҳларда жон олиб, жон берганидан дарак эди.

Украина, Венгрия, Чехословакия, Польша ҳудудларида, совет – япон урушида кечган жанглар ҳақидаги ҳикоялар Бексеит бобо зиратига келганлар кўз ўнгида уруш фожиаларини гавдалантиради.



Бексеит бобо урушдан кейин Низомий номидаги Тошкент педагогика институтида ўқиб, қишлоқда умумтаълим мактаби барпо этилишининг ташаббускори бўлди. Ва шу мактабда 30 йил ўқитувчи, директор бўлиб ишлади. Бугун у турли соҳаларда юқори натижаларга эришган шоғирдлари билан фахрланади.

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти офицери подполковник Баҳром Мирзаакбаров бошчилигидаги курсантлар, туман мудофаа ишлари бўлими, ҳокимият ва «Нуроний» вакиллари, ўқувчи ёшлар уруш қатнашчиси, фахрий педагог Бексеит Баймирзаев хонадонига бўлиб, бобо билан самимий суҳбат қурдилар. Совға-саломлар улашилди. Чевараларини бағрига олган бобо, «Менинг ёшимга етсанглар биласизлар, бунинг роҳатини», дейди. Беғубор табассум билан «Тиливизорга чиқарасизларми?» дея икки қанотида ўтирган гўдакларни кучоғига тортади.

Бобо ва меҳмонлар яхши ниятлар билан ҳовлига кўчат ўтказишди.

**Э. ОТАМУРОВОД**

### ЎҚУВЧИЛАРНИНГ «КУРСАНТ»ЛИК ТААССУРОТЛАРИ

Қуролли Кучлар академияси курсанти Муҳаммадвали Собиржонов қадрдон таълим масканидан Сирдарёга таътилга отланди. Унинг таассуротлари, тенгдошлари ва маҳалладошларига сўзлаб беришга ошиқайтган фикрлари жуда кўп эди. Таҳсил давомидаги ўрганганлари, яратилган шароитлар тўғрисида оила аъзоларига гапириб чарчамади. Мудофаа вазирлиги телеграм канали ва сайтга жойлаштириб борилаётган тадбирлар билан таништириб, мақтанди. Аммо бу билан ҳовури босилай демасди.

Ўзи таҳсил олган Гулистон давлат университети қошидаги академик лицейга борди. У ерда таҳсил олаётган махсус гуруҳ ўқувчилари билан суҳбатлашди. Уларга ўқиш жараёни, амалиёт ҳақида, хориждан келадиган меҳмонлар, турли давлатларга бағишлаб тайёрланган махсус хоналар ҳақида гапириб берди. Уларга ҳам суратлар ва сайтларни кўрсатди. Бу ёғига ўқувчиларнинг сабри етмади.

Улар биргаликда пойтахтга – Қуролли Кучлар академиясига йўл олдилар. Ўқувчи ёшлар бир кун давомида курсантларнинг кун тартиби билан танишиб, ўқув машғулотлари, амалиёт синфларида ўтириб, маърузалар тингладилар. Ўқувчилар ўзларини росмана курсантлардек ҳис қилардилар. Орадан йиллар ўтиб, хаёллар ҳақиқатга, ўқувчилар курсантга айланса, не ажаб.

**А. НОРҚУЛОВ**

## ИСЛОҲОТ



# ЭЛЕКТРОН ТИЗИМГА АСОСЛАНГАН ЯГОНА ДАРЧА

*Ёшларни ҳарбий хизматга чақиришнинг янги тизими амалиётга жорий этилмоқда*

Президентимизнинг яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, ёшларни ҳарбий хизматга чақиришнинг янги тизими амалиётга жорий этилмоқда.

Ўтган давр мобайнида Қуролли Кучларимиз ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали ягона куч сифатида шаклланди. Тизимда олиб борилаётган ислохотлар халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусини янада ошираётгани рост. Бироқ ёшларни армияга саралаш ва ҳарбий хизматга чақиришнинг амалдаги ҳолати бугунги кун талабларига тўлақонли жавоб бермаслиги бу



борада янада самарали тизим ишлаб чиқишни тақозо этди.

Барча фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида мудофаа ишлари бўлимида электрон тизимга асосланган ягона дарча хизмати жорий этилаётгани энг муҳим янгилеклардан биридир. Чақирилувчилар, уларнинг ота-оналарининг мурожаатлари тўғридан-тўғри Раҳбарият кенгаши томонидан шу жойнинг ўзиде яқиний тарзда ҳал этилади.

Гапнинг индаллосини айтганда, ушбу янги тизим чақирув тадбирларининг очиқ, ошкор ва шаффоқлик руҳида ўтказилишини, шу орқали Қуролли Кучларни фидойи, ватанпарвар ва юксак салоҳиятли чақирилувчилар билан бутлаш имкониятини яратишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Абдулла ЎКТАМҚУЛОВ**





## “Ўзбек ва туркман – туркий қавмга мансуб, тили ва дини бир икки халқ. Икки қардош халқ қийин дамларда доимо бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган.

Тарихнинг ўзи гувоҳ. 1948 йили Ўзбекистон биринчилардан бўлиб Туркменистон халқига Ашхобод зилзасининг оқибатларини бартараф этишда ёрдам берган эди. Ушбу воқеа хроникасида қайд этилганидек, Тошкент зилзила ҳақидаги маълумотларни биринчи бўлиб қабул қилди. Ўзбекистон шифокорлари дарҳол Ашхободга жўнаб кетишди. Минглаб ярадорлар ва етим болалар юртимизга кўчирилди.

Аммо «қизил империя» парчаланидан кейин ўзаро муносабатларда

ри натижасида бугунги кунда улар турли соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш устида иш олиб бормоқда. Шунингдек, транспорт соҳасида мақсадли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Икки мамлакатнинг интеграциялашган транспорт ва темир йўллари учинчи мамлакатлар учун транзит вазифасини бажаради. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таъкидлашича, «Ўзбекистон Туркменистоннинг портлари орқали Каспий денгизига, халқаро транспорт коридорларига чиқишни мақсад

бир шижоат билан, шиддат билан қўллаб-қувватлаши керак. Денгизга чиқиш йўли бўлмаган Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён Эрон, Афғонистон ва Покистон орқали денгиз портларига чиқишни орзу қилиб келади.

Нефть-газ соҳасида кенг қўламли лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик кенгаймоқда. Президент Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бу Ўзбекистон ва Туркменистон учун янги фаолият соҳаси. Бу ерда қўлга киритилган умумий тажриба бизнинг нефть ишлаб чиқарувчиларимиз учун келажакда янада кенроқ минтақавий ва халқаро бозорларга чиқиш имконини беради». Бу доирада қуввати йилига 25 миллиард кубометргача бўлган Туркменистон – Ўзбекистон – Қозоғистон – Хитой газ қувурини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга,

учрашувида Бердимухамедов иштирок этди, бу ҳам Ашхободнинг Ўзбекистонга ишончи юқори эканидан далолат беради. Демак, Ўзбекистон – Туркменистон ўртасидаги алоқалар зиддиятлардан холи, анчайин ҳамкорлик руҳида.

Туркменистон ичкарисида кечаётган воқеаларга яқиндан назар ташлайдиган бўлсак, айнан хорижга чиқиш масаласида мамлакат раҳбариятининг қаттиққўл сиёсат юритаётганига гувоҳ бўлаемиз. Туркменистонлик масууллар четда, айниқса, Туркияда ишлайдиган фуқароларнинг оилаларига кучли босим ўтказишга ҳам маълум. Бу катта сондаги туркманларнинг меҳнат муҳожирлиги илинжида бошқа давлатларга чиқиш кетишаётгани омили билан ҳам боғлиқ. Бу эса, табиийки, Туркменистон раҳбарияти учун иқтисодий жиҳатдан маъқул иш эмас. Бошқа томондан, улар мамлакатда демографик аҳволнинг ёмонлашиши мумкинлигидан хавотирда. Амалдаги виза тизими бекор қилинса, Ўзбекистон иқтисоди жадаллик билан ривожланган тақдирда, бу Туркменистон фуқаролари учун янги меҳнат бозорини аниглади. Улар ишлаш, пул топиш учун Ўзбекистонга юз тутишлари мумкин бўлади.

Икки ўртада ҳавфсизлик масалаларида ҳамкорлик доимо юқори бўлиб келган. Биринчи Президент Ислоҳ Каримов ҳаёт даврида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида ўз ҳавфсизликларига таҳдид туғилган пайтда бир-бирларини қўллаб-қувватлашга оид махсус шартнома ҳам имзоланган. Бу ўринда кўпроқ биринчи навбатда туркман – афғон чегарасидаги вазият назарда тутилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбари айнан чегаралароша ҳамкорликни назарда тутиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг уюшмасини тузиш каби бундан-да қизикроқ таклифни ҳам илгари сурганди. Аммо Туркменистон тарафи бу масалада анчайин консерватив йўл тутмоқда ва эҳтиёткорлик қилаётди. Лекин Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «орада ҳал этилмаган муаммолар қолмаган».

Албатта, узоқ йиллар давомида шаклланган тараққиёт йўналишини бирдангина ўзгартириш осон иш эмас. Бу масалада ҳам худди шу омилдан келиб чиқиб, баҳо бериш керак бўлади. Сўзсиз, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни кучайтириш нуктаи назаридан ҳам, минтақавий сиёсатни бирдангина ўзгартириш энгил кечмайди. Чунки зиддиятлар, ўзаро адоватлар, қарам-қаршиликлар йиллар давомида йғилиб келган. Шунинг учун ҳам, бир томондан, муайян олдинга силжирларнинг ўзи яхши ютук. Бошқа тарафдан, мазкур масалада бу яқин йиллар ичида тезкор натижадан баъзи таъбир жоиз бўлса, оламшумул ютуқлар кутишининг ўзи ҳам ноўриндир. Бунинг қандай самара беришини кўриш учун беш-олти йил кутиш керак бўлади.

Туркменистон иқтисоди газ экспортига жуда қарам. Асосий хариidora яна ўша Хитой ҳисобланади. Экспорт йўналишлари эса ранг-баранг эмас. Жаҳон бозорига газ нархи паства тушишда давом этмоқда. Бу эса Туркменистонда аллақачон молиявий-иқтисодий бўҳронга сабаб бўлди. Шундай экан, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликда ўз иқтисодини ривожлантириш Туркменистон учун ҳар томонлама қўлай ва фойдалидир.

**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,**  
сиёсий шарҳловчи



# ТУРКМЕНИСТОН

беқарор ва барқарор даврлар бўлди. Давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркменистон яхши қўшничилик ва дўстлик муносабатларини чуқурлаштириш, стратегик ҳамкорлик даражасини кўтариш масаласига алоҳида аҳамият бермоқда. 2017 йилдан бошлаб, икки ва кўп томонлама доираларда бир қатор олий даражадаги учрашувлар ўтказилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар янги сифатли босқичга кўтарилди.

Нейтрал ва энергия захираларига бой Туркменистон Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг янги Президентини сифатида ўзининг 2017 йили илк хорижий давлат ташрифини амалга оширган давлат бўлди. Худди шу ташриф чоғида икки қўшни мамлакат ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланган.

## ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ШИГИ

Айнан Туркменистон билан иқтисодий, энергетика ва транзит соҳасидаги ҳамкорлик хусусида сўз кетганда, минтақавий экспертларнинг умумий баҳоси ана шу ягона сўзда жам бўлади. Туркменистон газ бойлиги бўйича дунёдаги илк бешликда. Туркменистон Ўзбекистоннинг нефтни қайта ишлаш заводлари учун муҳим хом ашё манбаси ҳам бўла олади. Мамлакатимиздаги йирик Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари ёнига энди Жиззахда ҳам улкан корхона қурилмоқда. Четдан мунтазам ёқилги келмаса, мамлакатимиз уларни ўз ҳолича хом ашё билан таъминлай олиши мураккаб. Туркменистоннинг Қозоғистон ва Қирғизистонга сотиладиган электр симлари ҳам Ўзбекистон худудлари орқали ўтиши айтилган. Ўзбекистон бир неча йил олдин туркман газини Хитойга етказадиган газ қувурининг ўз худудидан ўтишига эришганди. Ҳозирги ҳажми билан ҳали яна 300 йилга етадиган туркман газини Ўзбекистон газ-кимё саноти учун жуда муҳим.

Бошқа томондан, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг чегара худудлари ўртасида ўзаро кучли муносабатлар ўрнатилган. Туркменистоннинг Лебап ва Дашоғуз туманлари билан Бухоро ва Хоразм вилоятлари ўртасида трансчегаравий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича келишувга эришилди. Икки мамлакатнинг чегара вилоят ҳокимиятлари ваколатхоналарининг вакиллик даражасидаги делегацияларнинг ўзаро ташрифта-

қилиб кўйган». Шу йўналишдаги «Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Уммон» транспорт-транзит коридорини қайд этиш табиий, унинг муваффақиятли амалга оширилиши транзит юк оқимларини кўпайтириш ва лойиҳа иштирокчиларини ташқи бозорларга энг қисқа ва самарали равишда кириш имконини беради. Амударё устида қурилган ва ҳар икки давлат раҳбарлари иштирокида ишга туширилган автомобиль ва темир йўл кўприкларини мазкур транспорт йўлагининг муҳим қисми ҳисобланиши айтилган.

Бизга дунё денгизларида энг яқин йўл айнан Туркменистон худудлари орқали ўтади. Ўзбекистон ва Туркменистон темир йўллари ўзининг ҳамкорлигини бошлади. Биз тўппа-тўғри Туркменистон орқали 600-700 км йўл ҳисобига Эрон портларига чиқа оламиз. Ва бу, энди, бутунлай транспорт-логистикамизни жуда ҳам бир янги даражага кўтаради, унинг самарадорлигини нихоятда оширади. Қолаверса, Ўзбекистон – йирик санат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи давлат. Ҳозир белгиланган режалар, амалга оширилаётган лойиҳалар яқин йилларда Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини икки бараварга ошишини таъминлайди. Демак, биз ўзимизнинг тайёр санат маҳсулотларимизни, автомобилларимизни, қишлоқ-хўжалик, кимёвий маҳсулотларимизни жаҳон бозорига чиқариш учун Туркменистон орқали ўтадиган темир йўлдан жуда фойдаланишимиз мумкин бўлади.

Ўзбекистон учун Туркменистон орқали ўтувчи автомобиль йўллари ҳам жуда қўлай. Дейлик, Эрон портларига автомобиль йўллари орқали бир суткада етиб бориш мумкин. Бу энди Ўзбекистоннинг ҳамма юкларини Россия орқали, Қозоғистон орқали 3-4 минг километрлаб ёки океанларга чиқадиган бўлса, 10 минг километр ташиб юришдек оғир, катта-катта харажатлардан қутқаради. Буларнинг барчаси шу пайтгача икки қўшни давлат ўртасида мавжуд бўлган виза ва чегара муаммолари туфайли амалга ошмай келган. Мана, бугун орзу қилинган ўша сиёсий ҳамкорлик муҳити яратилди. Энди буни амалиётда қўллаш керак, холос. Оддий қадамлар ҳақида гапирадиган бўлсак, энди Ўзбекистон – Туркменистон ўртасидаги виза тартиби йўқ қилиниши керак. Президентлар сиёсий иродаларини билдиришди. Улар бир-бири билан дўст. Алоқалари жуда яхши. Бу сиёсатни тадбиркорлар катта

бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркменистон Каспий денгизи соҳилларида углеводород конларини биргаликда ривожлантириш тўғрисида келишиб олдилар. Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистоннинг бундай йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этишини мамнуният билан қабул қилди.

## РАСМИЙ АЛОҚАЛАР ЯХШИ. АММО САВОЛЛАР БОР...

Туркменистон Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келганидан сўнг Ўзбекистон билан виза тизими ҳануз амал қилаётган ва ўзаро чегаралари ҳамон ёпиқлигича қолаётган ягона минтақа давлати бўлади. Қирғизистон ва Тожикистон «тажрибаси»ни назарда тутиб, аксарият таҳлилчилар Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги узоқ йиллик виза ва чегара муаммосининг ҳам аниқ музокаралар кун тартибидан бўлиши ва ўзининг ижобий ечимини топишига умид қилишганди. Бунинг учун ҳар икки давлат раҳбарларида бугун сиёсий истақ-хоҳиш ва ирода бор эканига ишонч етарли. Президентлар Ўзбекистоннинг Туркменистонга бевосита чегарадош Хоразм вилоятида расман «Дўстлик уйи»ни ҳам очиб беришди. Аммо виза ва чегара муаммоси очик қолди. Ўзбек – туркман чегараси қарийб етти йилдан буён ёпиқ қолаётди. Унганча икки давлат чегарадоли худудлари аҳолиси учун визасиз уч кунлик ўтиб-қайтиш тартиби ҳам амал қилган. Аммо бу тартиб ҳам ҳозир кучда эмас. Чегараларни бекор қилиш масаласи биргина Ўзбекистон ва Туркменистон орасида муҳокама этилмаган. Бу муаммо Марказий Осиё доирасида ҳам кўтарилган. Албатта, Шавкат Мирзиёев очик минтақавий ташқи сиёсат юритмоқда. Бошқа томондан, дейлик, Қирғизистон ва Тожикистон билан солиштирганда, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги алоқалар азал-азалдан нисбатан ҳамкорлик руҳида бўлиб келган. Шундай экан, бу масала ҳам келажакда ўзининг ижобий ечимини топмай қолмайди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Остонада бўлиб ўтган ишчи йиғинида Парламент вакили юборилган эса-да, Гурбангули Бердимухамедовнинг ўзи у ерда кўриши бергани йўқ. Аммо 2019 йили Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат



# ЎРНАКМИСАН, ЎРНАК!

“ Олис масофани орта қолдириб, файзиёб тонгларимдан бирини қорақалпоқ заминда қарши олдим. Сафар дастурига кўра, Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмда жойлашган иссиқхона, новвойхона, тикув цехи, ферма кўринишидаги ёрдамчи хўжалик, боғ, замонавий қозонхона билан танишамиз. Ҳа, тўппатўғри ўқидингиз. Қанчалик ғайритабиий туюлмасин, ушбу объектлар айнан ҳарбий қисмда ташкил этилган.

Аваллига бундан мен ҳам ажабландим. Боз устига, олис Нукусда-я! Аммо барини кўз билан кўргач, тасаввурим ўзгариб, тумандай тарқаб кетди. Тезда бир қўлга қалам-қоғоз, бирига фотокамера оламан-у, ишга киришаман.

## «АЛАМИНА» ЭФФЕКТИ

Ҳарбий қисм ташаббуси билан шу йилнинг январь ойида ташкил этилган иссиқхонага дастлаб тажриба-синов учун 50 туп помидор кўчати экилган эди. Натижаси чакки эмас. Илк нишонлар кўрина бошлагач, кўчатлар сони 400 тупга етказилди. Бунинг учун ҳудуд тупрок-иклим шароитидан келиб чиқиб, «Аламина (73-672)» навли уруғ танланди. Кўчатларнинг аксарияти махсус идишларда барк урмоқда. Уни исталган вақтда бир жойдан иккинчи жойга беталафот кўчириш мумкин. Бундан ташқари, иссиқхонада 50 туп бодринг, 200 туп қизил қалампир, 300 тупдан ортик баҳорий кўчатлар баравж ўсмоқда.

Ҳар бир кўчатнинг дуркун гуллаб-яшнаши учун уни ўз вақтида суғориш, ўғитлаш, тагини юмшатиш, мунтазам парваришлаш керак. Кичик сержант Иямин Йўлдошев бу ишларнинг ҳадисини олган. Чунки у Фарғона политехника институтининг Кимё-технология факультетини битирган олий маълумотли мутахассис. Ўз ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек энг улуг ва олижаноб ишга бағишлаган Иямин акага институтда олган билимлари ҳарбий хизмат даврида ҳам қўл келяпти.

– Помидор ва бошқа кўчатларни 17 турдаги биокимёвий ўғит ва препаратлар билан озиклан-тиряпмиз, – дейди кичик сержант И. Йўлдошев. – Узунлиги 25 метр, эни 6,40 метр ҳажмда ташкил этилган иссиқхонамизда ҳарорат ўртача 12–17 градус оралиғида сақланади. Турли бурчакларга ўрнатилган термометрлардан эътиборимиз узиламайди. Помидорлар ёппасига гуллаб, ҳосилга кира бошлади. Хирмоннинг чўғини чамалаяпмиз. Бу ерда ишлашнинг завқи ўзгача, ҳеч толиқмайман. Баъзи ишларда менга галма-гал икки аскар дастёрлик қилади. Шу тариқа иссиқхона технологияси, ҳар қарич



ердан унумли фойдаланиш орқали уларда тадбиркорлик, омилкорлик малакалари шаклланыпти. Ҳадемай, уйга қайтганда, улар ўз томорқасида ана шундай рўзгорбоп озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириши мумкин. Бу даромадга йўналтирилса, катта фойда келтиради.

Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари»да укроп, сельдерей, петрушка оғриқ қолдирувчи, асабини тинчлантирувчи восита сифатида тавсия этилади. Уни овқат билан доимий истеъмол қилиш кўзни равшанлаштиради, ичак оғриқларида яхши наф беради. Биргина укроп шишларни кеткизади, кули ғовак яраларга шифо бўлади ҳамда бавосирни қайтариш хусусиятига эга.

Кўкламнинг «илик узилди» даврида бу каби баҳорий кўчатлар кони фойда, танани зарур витамин ва минераллар билан тўйинтирадиган беназир дармон. Тайёр этилган дармондориларни ҳарбий қисм ошхонасида тансиқ таомлар, салатларга қўшиб тортиқ этиш мумкин.

Ҳарбий қисм ичра мўъжаз гумбазли сарой янглиғ ландшафт кўркига кўрк бағишлаб турган иссиқхонадан чиқар эканмиз, менда савол туғилади: ҳудуднинг катта қисмига нега айнан помидор экилган? Бунга жавобан ҳарбий қисм командири подполковник Ҳамза Қаландаров қизиқарли ва тарихий бир фактни айтди:

– Бу ҳудуддан Иккинчи жаҳон уруши даврида фронтга катта миқдорда помидор етказиб берилган. Шунданми, меҳнатидан қочмасанг, эътибордан қолдирмасанг, йилнинг исталган мавсумида мўл-кўл ҳосил олиш имкони бор.

Излаган имкон топар, деганларидек, қай соҳада бўлмасин, тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун мавжуд ресурсларни тўғри ва оқилона йўналтириш қийин иш эмас, аслида. «Ўрнак» ҳарбий шаҳарчасида

«Халқ ва армия – бир тану бир жондир» деган шиор остида ҳарбий инфратузилмалар модернизация қилинаётгани кишини қувонтиради.

## ЗАРУР ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАЛАР

Сал қолса, ҳарбий шаҳарча жойлашган овул номини айтишни унутмаёзиман. Бу жой «Ўрнак» аҳоли яшаш пункти деб аталади, биз сўз юритаётган ҳарбий шаҳарча ва ҳарбий қисм шу пунктда жойлашган. Жорий йил бошида мудофаа вазири генерал-майор Баҳодир Қурбонов ушбу ҳарбий



қисмга ташриф буюриб, ҳарбий шаҳарча инфратузилмасини тубдан тақомиллаштириш бўйича тегишли вазифа ва кўрсатмалар берган эди. Унинг ижросини тўлақонли адо этиш мақсадида ушбу масканда қатор объектлар қурилди, таъмирдан чиқарилди ва фойдаланишга топширилди.

Мудофаа вазирлиги кўшинларида аутсорсинг тизими жорий этилгани моддий таъминот хизматлари соҳасидаги сифат ва самарадорликни оширди. Бу ерда қурилган новвойхонада нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, «Ўрнак»





Муаллиф бугунга олган

аҳолиси эҳтиёжини қондирыпти. Шинам ошхона ошпазлари, қўли ширин новвойлар ҳалол хизмати, юмушига муносиб маошидан барака топмоқда.

Замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган чеварлар цехида уч нафар ҳарбий хизматчининг аёллари иш ўрни билан таъминланди. Меҳнат билан банд хотин-қизлар касб-ҳунар сирларини пухта эгалламоқда. Янги дизайндаги либослар, ўзгача услубдаги пардалар нафис мато ва ип ёрдамида мана шу машиналарда бичиб-тиклади.

Шу ўринда Президентнинг жорий йилда Ватан ҳимоячилари кўни муносибати билан йўллаган байрам табригида «Иқтисодиётнинг тўлақонли мудофаа секторини шакллантириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз яқин истиқболда нафақат миллий армиямизни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, балки қўшимча иш ўринлари яратиш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификация қилиш имконини ҳам беради», деган сўзларини эслаш ўринлидир.

Ҳарбий қисм тиббиёт пункти ҳақида тўхталиб ўтмасак бўлмас. Шифо ва даво маскани бош шифокори тиббий хизмат лейтенанти Дамин Бозоровнинг ҳар бир беморга очиқ юз, ширин муомала билан мурожаат қилиши кишига аввало руҳий далда беради. Тушкун руҳиятдан чиқа олган беморнинг соғайиши, дард билан курашиши осон кечади. Шифокор билан самимий суҳбатлашар эканмиз, пунктдаги дори-дармонларнинг муддатини қатъий назоратда тутиши, ярқилик муддати тугагач, тегишли тартибда топшириш, тиббий осойишталикни таъминлаш каби зиммасидаги масъулиятли вазибалар ҳақида маълумот берди. Ҳарбий хизматчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун ғайратли мутахассис ва ҳамшираларнинг тиббий ускуна ва жиҳозлари шай ҳолатда.

### МАҚСАДЛИ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК

Агар ушбу ҳарбий шаҳарчага йўлингиз туша, хаёлингиздан «Ҳарбий қисм ёрдამчи хўжалиги ер майдонларидан мақсадли фойдаланиш мана бунақа бўлибди», деган ўй ўтиши тайин. Чунки бу ерда 30 бош товўк боқилади, хўжалик ҳисобиди 16 бош қўй-эчки ҳам бор. Қуёнлар сони эса йигирмадан ошиб кетган.

Зукко ўқувчиларимизга парранда етти мўъжизанинг бири экани маълум. Аммо ҳарбий хизматчиларнинг буйруғига итоат этадиганини камдан-кам билишса керак. Наздингизда улар аскарлар томонидан қўлга ўргатилгандек туюлади.

Бу ерда қўй-эчкиларнинг турфа турини учратиш мумкин. Қуёнлар учун алоҳида жой ажратилган. Хўжалиқда уларнинг парвариши учун дон-дун, ем-хашак сингари озуқалари бадастир. Ветеринария ва санитария қоидаларига талаб даражасида риоя этилмоқда.

– Энди ёрдამчи хўжалигимиз ҳисобиди йилкичиликни йўлга қўймоқчимиз, – дейди подполковник Ҳамза Қаландаров. – Бу бир

томондан, муддатли ҳарбий хизматчилар учун ўйидаги муҳитни ҳис қилиш имконини берса, бошқа томондан, аскарнинг яшовчанлик қобилияти учун зарур кўникмаларни шакллантиради.

### ЧЎЛ БАҒРИДАГИ БЎСТОН

Сахарлаб автоуловимиздан ҳарбий қисмга келиб тушганимизда, ҳаммаёқ худди қор ёққандек оппоқ эди.

– Шаҳарда қуёш чарақлаб турган эди. Бу ёққа қор ёғдими? – бизни олиб келган сержантдан сўрайман таажжубланиб.

– Йўқ. Бу – дайди шамоллар орқали Орол денгизининг қуриган қисмидан келган ва шўр-хок ер устига сизиб чиққан тузлар.

Ерга тарам-тарам нақш солган қум барханлари зум ўтмай, яна ҳавога кўтарилди. Қўнимини тополмай чор атропога тўзғийди. Ана шундай об-ҳаво инжиқликларига қарамай, ҳарбий қисмнинг бир гектар майдонида интенсив боғ барпо этилгани мени чандон ҳайратга солди. Бунинг учун оғир юк машиналари ёрдамида тонналаб қум ва шўр тупроқни олиб ташлаб, ўрнини унумдори билан алмаштиришга тўғри келибди. Асосан ўрик, олма, олча, шафтоли, ёнғоқ сингари 400 туп мевали дарахтдан иборат боғ чўл бағрида чинакам бўстонга айланмоқда.

Аваллари ҳарбий шаҳарчага тириклик манбаи бўлган тоза ичимлик суви ташиб келтирилар ва бу бирмунча қийинчилик туғдирар эди. Биринчидан, масофа олис, иккинчидан, унинг ҳар литри пулга сотиб олинган. Ниҳоят, ушбу муаммоларга барҳам берилди, ҳудуднинг ўзида бир неча метр чуқурликдаги артезиан тизимидан сув чиқарилди. Унга сув тозалаш фильтри ўрнатилган. Айни кезде ушбу оби ҳаётдан ҳарбий шаҳарчадаги оилалар ҳам беминнат баҳраманд бўлмоқда.

Иссиқлик ва электр таъминоти ҳам тамоман яхшиланди. Гап шундаки, ҳарбий қисм электр хўжалигидаги қозонхонага янги ва замонавий технология асосидаги тежамкор иситиш қозони ўрнатилди.

– Ушбу ускуна соатиға минг литр сув сизимга эга бўлиб, 500 метр кубгача иссиқлик қувватини беради, – дейди ҳарбий қисм электромонтёр-оператори Юсуфбой Қодирберганов. – Мен 24, ҳамкасбим Матжон Шарипов 30 йилдан бери шу ерда муқим хизмат қиляпмиз. Ҳарбий шаҳарчамиз замонавий қиёфага эга, ҳеч бир шаҳардан қолишмайди. Энди сиз каби мухбирлар биздан қаерда яшашимизни сўраса, ҳеч иккиланмай, «O'ngak city»да, деб жавоб қиламиз!

Ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек, бугун Ватанимни, касбимни севаман, дейиш билангина иш битмайди. Танлаган касбини қандай севишини аввало ўзи ва шахсий таркибининг амалий ҳаракатлари мисолида исботлаётган бу командирга замон талабларига мослашиш, кунт, билим ва ҳафсала мана шундай хайрли тадбирларга йўл очаётган бўлса, не ажаб?

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,  
«Vatanparvar»

## ХАБАРЛАР

### АСКАРЛИК ЛИБОСИ ЯРАШДИ

Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмларнинг бирида «Очиқ эшиқлар кўни» доирасида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Туман мудофаа ишлари бўлими, қатор овул фуқаролар йиғини фаоллари ва фахрийлар ҳамкорлигида «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида ташкил этилган тадбирда, даставвал ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар кўргазмаси намойиш этилди. Аскарлар фойдаланётган қурол-яроғларнинг тузилиши ва техник тавсифи ҳақида маълумот берди.

– Бугун аскарликка ҳавасим янада ортди. Ватан ҳимоячиларининг либосини эгнимга кийганимда, синфдошларим, устозим менга жуда ярашганини айтди, – дейди Нукус туманидаги 12-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Амин Жўрабоев.



– 7 йилдан буён таэквондо WTF билан шуғулланаман. Қорақалпоғистонда 12 карра чемпион бўлиб, Ўзбекистон миқёсидаги мусобақаларда кучли учликдан ўрин олганман. Келгусида Ватаним олдидаги йигитлик бурчимни чин дилдан бажаришга аҳд қилдим.

– Ҳарбий хизмат ва жанговар техникалар ҳақида назарий билим бериш бошқа, унинг ҳаммасига ўз кўзи билан кўриб, гувоҳи бўлиш бошқа, – дейди Нукус туманидаги 20-мактабнинг чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси Зарипбой Басқабоев. – Ўқувчиларнинг завқ-шавқини кўринг. Ҳарбий қисмларда бу каби тадбирларни яна ҳамкорликда ташкил этишни режалаштириб қўйдик.

Мазкур тадбирда ўқувчилар ўртасида тирдан ўқ отиш мусобақаси ўнатирилди. Голибларга эсдалик совғалар берилди.

Тошқинбек РЎЗИ

### УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ



Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бугун ҳар кунгидан кўра файзли. Чунки бу ерда олий ҳарбий таълим даргоҳини 2000 йилда битирган ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар фахрийлари, билим юрти профессор-ўқитувчилари, ёшлар жамланган. «Уч авлод учрашуви ва «Устоз – шогирд» аъналарини ривожлантириш» номли маънавий-маърифий тадбир самимий руҳда ўтди. Учрашувда фахрийлар, миллий армиямизнинг ривожланиш йиллари ҳақида, ҳарбий хизматчилар эса кенг қўламли ислохотлар ва унинг натижалари хусусида, бўлгуси офицерлар эса таълим масканидаги шароитлар, орзулари тўғрисида сўз юритишди. Бу суҳбатлар ўқувчи ёшлар учун ўзига хос бир дарс бўлди.

– Ҳарбий бўлиш – эр йигит учун шараф. Ҳаёт йўлини армия сафларида ўтказганимдан хурсандман. Бир неча йил курсантларга, бўлажак офицерларга устозлик қилдим. Бу ердаги шароитларни кўриб, эътибордан мамнун бўлдим. Бугун миллий армиямизни замонавий фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятли, малакали ҳарбий кадрлар билан мустаҳкамлашни ғоятда муҳим. Бу йўлда катта зафарлар тилайман, – дейди Қуролли Кучлар фахрийси Шомасхуд Маждов.

Ватан ва ватанпарварлик мавзусидаги куй-қўшиқлар байрам иштирокчиларига кўтаринки кайфият бахш этди.

Айжамал ЖАНИБЕКОВА



# «ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТ!»

*Фильм яратилишига сабаб бўлган ўзбек жангчисининг қаҳрамонлиги*

Қудрат Суёнов 1919 йил 6 февралда Пахтачи туманида деҳқон оиласида туғилган. 1939 йил армияга сафарбар этилган. Сержант Суёнов Иккинчи жаҳон урушида немис фашистларига қарши 13-армиянинг 74-ўқчи дивизияси, 109-ўқчи полкида бўлинма командири лавозимида Фарбий, Брянск, Дон ва Марказий фронтларда жангларда қатнашган.

1943 йил 12 сентябрда сержант Суёнов Украинанинг Чернигов вилояти, Коропск райони, Оболонь кишлоғи учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. У совет жангчиларининг Десна дарёси бўйидаги назорат ҳудудларини мустаҳкамлаш учун олиб борган шиддатли жангларда ўз жонини қурбон қилиш эвазига душмanning ўқ отиш нуқтасини йўқ қилган ва қуролдошларининг олға юришига йўл очиб берган. Қудрат Суёнов Оболонь кишлоғида, Десна дарёси бўйига дафн этилган.

Десна дарёсини кечиб ўтишда ва бу ердаги назорат ҳудудларини мустаҳкамлашда кўрсатган жасорати ҳамда қаҳрамонлиги учун Қудрат Суёнов СССР Олий Президиумининг 1943 йил 16 октябрдаги фармонида кўра «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони ва «Ленин» ордени билан тақдирланган.

Қудрат Суёнов таълим олган мактаб ва Оболонь кишлоғида қаҳрамоннинг бюсти қўйилган. Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани марказида эса жасур ўзбек ўғлонига улкан ҳайкал ўрнатилган.

## ЎЗБЕКНИНГ БОТИР ЎҒЛОНИ

1943 йил 12 сентябрда 109-ўқчи полк Десна дарёси бўйидаги Оболонь кишлоғи йўналишини немис фашистларидан озод қилиш учун жангларга киришди. Шу вазиятда дарёнинг нариги қирғоғида баландликда жойлашган душман ўқ отиш нуқтаси полкни тинимсиз пулемётдан ўққа тутта бошлади. Натижада хужумга ўтган полк жангчилари бош кўтара олмай қолишди. Қўмондонлик Қудрат Суёнов бўлинмаси ҳаракат қилаётган ротага Деснани биринчи бўлиб кечиб ўтиш топшириғини берди. Шунда ўзбек сержанти рота командири олдига келиб:

– Рухсат беринг, ўртоқ командир, душман ўқ очиш нуқтасини граната билан... – гапи охирига етмай буйруқ берилди:

– Ишга киришинг, Суёнов! Взвод сизни ўқ отиб, ҳимоя қилиб туради.

Қудрат хизмат қилаётган взвод фашистлар дзоти йўналишида ўқ ёғдирган ҳолда ўз сержантларини қўллаб-қувватлаб туришди. Кўрқув нималигини билмаган жасур ўзбек йигити сездирмасдан душмanning бетон девор билан ҳимояланган пулемётига ён томондан эмкалаб борди. Душман дзотига чамаси 20 метр қолганда Қудрат оёғидан яраланди. Жароҳатланганига қарамай сафдошларини бош кўтаришга қўймаётган пулемёт нуқтасига янада яқинлашди. Ниҳоят, Қудрат Суёнов шундоққина қаршисида олов ёғдираётган дзотнинг қора туйнугини кўрди. Бир неча гранатадан иборат ўрамини пулемёт нуқтасига улоқтирди. Граната ўрамини дзот туйнугида портлади ва душмanning саси ўчди. Кучли портлашдан ён-атрофга сочилган граната парчаларидан бири Қудратнинг бошига келиб тегди. У сафдошларининг «Ура!» дея ҳайқириклар билан қишлоқни ишғол этганини эшитмади. Қуролдош дўстлари қаҳрамонни кўтариб олиб кетишадиганини Қудрат Суёнов ҳис қилмасди...



## «СЎНМАС ЮЛДУЗ»

Ғалабадан кейин Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1-Украина фронтида чоп этилган «Ватан шаъни учун» газетасининг ўзбек тилидаги нашри муҳбири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Зиннат Фатхуллин қаламига мансуб «Сўнмас юлдуз» («Немеркнущая звезда») повести нашр қилинди. Қудрат Суёновнинг қаҳрамонлигини мадҳ этувчи ушбу асар Тошкент ва Москвада бир неча марта қайта босиб чиқарилди.

Кейинчалик Зиннат Фатхуллин «Ой бориб, омон қайт!» фильми учун сценарий ёзиб, уни 1968 йил машҳур Файзиевлар сулоласи вакили – кинорежиссёр Ҳабибулла (Пўлат) Файзиевга тақдим қилди. Ҳабибулла ака таниқли кино ва театр актёри, сценарист, кинорежиссёр, «Улуғбек юлдузи», «Али бобо ва қирқ қароқчи», «Севги афсонаси» каби машҳур фильмлар ижодкори, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти соҳиби Латиф Файзиевнинг укаси.

Ўзбекистон, Украина ва Беларуссияда олиб борилган 4,5 ойлик суратга олиш ишларидан кейин 1969 йил «Ой бориб, омон қайт!» фильми собиқ Иттифоқ ҳамда Европанинг мингга яқин кинотеатрларида намойиш этилди.

Қарийб ярим асрдан кўпроқ вақт олдин яратилган фильмда бош ролни ижро этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ражаб Адашев билан биргаликда 82 ёшни қаршилаган Ҳабибулла (Пўлат) Файзиев хонадонига ташриф буюрдик. Таниқли кинорежиссёр ва Ражаб Адашевнинг фильми суратга олиш жараёнидаги хотиралари билан ўртоқлашдик.

**– Ҳабибулла ака, бу асар сценарийси қандай қилиб сизнинг қўлингизга тушиб қолган?**

Ҳабибулла (Пўлат) – Ҳабибулла акани яқиндан таниган инсонлар ва ҳамкасблари уни шу исм билан аташади. Муаллиф) Файзиев:

– Зиннат Фатхуллин «Сўнмас юлдуз» повестидан кейин ушбу киносценарийни ёзди ва ўқиб кўриш учун менга берди. «Ой бориб, омон қайт!» сценарийсини қисқа вақтда ўқиб чиқиб, фильмини суратга олишга қарор қилдим. Биринчи қилган ишим, муаллифнинг катта ўғли – оператор Дилшод Фатхуллин ва рассом Вадим Добрин билан биргаликда узоқ сафарга чиқдик. Биринчи сафаримиз Қудрат Суёнов яшаган Пахтачи тумани кишлоғида бўлди. Яқин қариндошлари, адашмасам, Мусулмонқул деган укаси билан узоқ суҳбатлашдик.

Навбатдаги сафаримиз давомида Украина ва Беларуссияга йўл олдик. Ишонасизми, 1968 йилда ҳам Украина ва Беларуссияда фашистлар ёндириб кетган айрим қишлоқлар худди кечагина уруш бўлиб ўтгандай кўринишда эди. Иккинчи жаҳон урушини эслатиб турадиган ҳолатларни – окоплар, немис фашистлари қурган дзотлар, яқсон қилинган ҳарбий техникаларни кўплаб кузатиш мумкин эди. Буларни кўрган ҳар бир инсоннинг қалби титраб кетиб, бадани жимирлаши аниқ. Кўз ўнгимда Қудрат Суёнов босиб ўтган жанговар йўл, урушнинг фожиали асоратлари гавдаланди. Отам Обид Файзиев ҳам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 йил Киев атрофида бўлган жангларда бедарак



йўқолган. Акам Латиф Файзиев отамизнинг дарагини топиш учун Москвадаги юқори лавозимда ишлайдиган танишларидан сўраб-суриштирган. Аммо ҳозиргача бирор маълумот топа олмадик...

Тошкентга қайтиб келганимиздан кейин фильмда роль ўйнайдиган актёрларни танлаш бўйича синов ишларини бошлаб юбордик. Уша пайтлар бу русчасига «актёрская кинопроба» дейиларди. Бугунги кунда актёрлар танлови бўйича синовни



кастинг дейишади. Хуллас, бош роль ижроси учун йигирмата номзодни синовдан ўтказдик.

**– Ражаб Адашевнинг бош роль ижросига танланиш тарихи қандай бўлган? У кишида Қудрат Суёновнинг қайси жиҳатларини кўргансиз?**



Ҳабибулла (Пўлат) Файзиев:

– Биринчидан, иқтидори бор эди. Иккинчидан, синовларда актёрлик маҳорати зўр эканлигини намойиш қилган. Бундан ташқари, Ургутдан келган ҳақиқий қишлоқлик йигит эди-да! Хуллас, ундан қишлоқнинг ҳавоси, янги соғилган сут, ва яйлов-



ларнинг иси қоришган бир ифор келиб турарди. Чунки ўзим ҳам урушдан кейин оғир дамларни бошимдан кечирганман. Ташкентлик бўлишимга қарамай, ёшлигимнинг олти йилини Бўка тумани кишлоғида ўтказганман.

Хабарингиз бор, фильмда Ҳамза Умаров, Ғани Аъзамов, Лола Бадалова, Раззоқ Ҳамроев, Саъдийон Табибуллаев каби ўнга яқин халқ артистлари,



Хайрулла Саъдиев, Жамшид Зокиров, Ҳабибулла Каримов сингари устозлари даражасига эришган ёшлар роль ижро этган. Бош ролга эса йигирма номзод орасидан ёш актёр, Театр ва Рассомчилик институти 3-курс талабаси Ражаб Адашевни танладим. Ражабжон, ўшанда 22 ёшда эдингизми?

Ражаб Адашев:

– Қахрамоним Қудрат Суюнов каби 24 ёшда бўлганман. Театр ва Рассомчилик институтининг 3-курсидан ўқиш билан бирга «Ўзбекфильм»нинг актёрлар маҳоратини ошириш бўлимида ишлардим. 20 ёшимда «Ўзбекфильм» жамоасида ишлаш бахтига муяссар бўлганман.

Ҳабибулла (Пўлат) Файзиев:

– Бадий кенгаш эса бош роль ижросига бошқа номзодни танлаган экан. Шунда мен, «Қудрат ролини фақат Ражаб Адашев ўйнайди», деб ўз фикримда қатъий турдим. Акс ҳолда суратга олиш ишларини бошқа режиссёрга топширишларини талаб қилдим. Фикрларимни оператор Дилшод Фатхуллин ва расом Вадим Добрин ҳам қўллаб-қувватлади. Бунинг натижасида «Ўзбекфильм»нинг ўша пайтдаги раҳбарлари билан ўртамазда бироз тортишув юзага келди. Ҳатто бу тортишувни ҳал этиш учун Шароф Рашидов қабулгига чақирди. Шароф Рашидов ўша ердаги кинозалда Ражаб Адашев иштирокидаги синов учун олинган лавҳаларни кўриб, «Менга ҳам маъқул», деган ҳолда мен ва оператордан нима учун айнан шу актёрга эътибор қаратаётганимизни сўради.

Бош роль ижросини чиройли, келишган бўлиши муҳим эмаслигини, Ражабжоннинг истарали, қишлоқ нафаси уфуриб турган иқтидорли, хушбичим актёр эканлигини айтдим. Қишлоқда яланг оёқ ўсган, мол боқиб, ўша муҳитда катта бўлган одамгина экранда қахрамоннинг характерини, ўзбек йигитлигига хос хусусиятларини очиб бера олишини тушунтирдим. Шароф Рашидовга бу гапларим маъқул келиб, «Мен розиман», дея бадий кенгаш бошлиғига телефон қилди ва Ражаб Адашевнинг бош ролга тасдиқлашларини сўради.

**– Бош роль ижросини чиройли, келишган бўлиши муҳим, деган гаплардан руҳиятингиз тушиб, бу ҳолат суратга олиш майдонида ўз таъсирини кўрсатмадими?**

Ражаб Адашев:

– Бу гапларни ҳозир эшитиб турибман. Кимнинг нима дейиши аҳамиятсиз. Асосийси, Пўлат акадан кейинчалик ўзимга билдирилган ишонччи оқлаганимни кўп эшитганман.

Синов учун олинган лавҳаларда суратга тушиб, туғилиб ўсган юртим – Уругутга таътилга кетдим. Уйдагилар янги иморат қурилишини бошлаб юборган, мен эса поччам билан цемент қориб, уйнинг тагига бетон қуяётгандик. Бир маҳал почтаълон телеграмма кўтариб келиб қолди. Унда Қудрат Суюнов ролига номзодим тасдиқлангани ёзилганди. Поччам билан маслаҳатлашсам, «Боравер-майсанми, ишни ўзимиз якунлаймиз», деб қолди. Дарҳол Ташкентга етиб келдим ва суратга олиш ишларига киришиб кетдик.

**– Юқорида айтиб ўтган тортишувлардан ташқари яна қандай қийинчиликлар бўлган? Фильм айнан қаерларда суратга олинган?**

Ҳабибулла (Пўлат) Файзиев:

– Ҳар бир саҳна эпизодини суратга олишдан аввал бунга ҳар томонлама жиддий тайёргарлик кўрганмиз. Шунинг учун қийинчиликларга дуч келмадик, десам ҳам бўлади. Фақатгина Қудрат Суюновнинг яраланиши, портлаш саҳналарида ҳолатини суратга олишда Ражабжонга шикаст етиши мумкинлигидан хавотир олардим. Чунки кийими остида ва этиги ичига жойлаштирилган пиротехник

воситалар актёр соғлиғига хавф туғдириши мумкин эди. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида ёрдამчиларимиз Ражаб Адашевнинг кийимлари ва этиги ичидан ўқ отилиб чиқадиган жойларга темир пластинкалардан махсус ҳимоя воситалари ўрнатилган.

Юқорида Ражабжон айрим гапларни биринчи марта эшитиб турганини таъкидлади. Мен ҳаммаша унинг хатти-ҳаракатларини мақтардим. Аммо бунга ўзига билдирмасдим. У ҳақдаги мақтовларни фақат оператор Дилшод Фатхуллиннинг қулоғига шивирлаб айттардим.

Ражаб Адашев:

– Устоз, мен ҳақимда қайғурганларингизни эшитиб, хурсанд бўлдим. Ўша пайтдаги ғамхўрликларингизни кўз олдимга келтирдим. Бунга сизларга тасвирлаб беришим қийин. Мураккаб эпизодларни суратга олиш жараёнидаги ҳолатингизни четдан туриб суратга олишнинг иложи бўлмаганда. Худди ҳозирги пайтда олинаётган кадр ортидаги фильмларга ўхшаб.

Қудрат Суюнов ролига тасдиқланганим учун устоз бадий кенгашдан ташқари, Шароф Рашидов қабулида, кейинчалик Москвада мени ҳимоя қилганлар. Суратга олиш жараёнида Чирчиқ полигонидан ва Украинанинг Чернигов вилоятида, айнан қахрамоним ҳалок бўлган Десна дарёси бўйидаги Оболонь кишлоғида кечган.

Ҳабибулла (Пўлат) Файзиев:

– Бизнинг давримизда фильмларни Москвада тасдиқдан ўтказишарди. «Ой бориб, омон қайт!» («Возвращайся с солнцем!») уларга ҳам маъқул келди. Аммо «Неужели нельзя найти красивого парня? Неужели нельзя найти в Узбекистане или в России красивого актёра?» деб қолишди. Ана шунда мен уларни айнан Ражабжон яратган образ орқали халққа кишлоқдан чиққан қахрамоннинг ҳақиқий қиёфасини кўрсата оламиз, деганман...

**– Ўша даврда фильм премьераси муваффақиятли бўлгани ҳақидаги маълумотларга тўхталиб ўтсангиз.**

Ҳабибулла (Пўлат) Файзиев:

– Бутуниттифоқ намойишдан кейин айрим Европа давлатлари талабига биноан «Ой бориб,



омон қайт!» 600 нусхада чиқарилган. Уларнинг 200 таси сурдо таржимаси ва ўзбекча титрлар билан намойиш қилишга мўлжалланганди.

Ражаб Адашев:

– Чехословакия, Венгрия, Руминия каби давлатларда ҳарбий хизматни ўтаган бир қанча ҳамюртларимиз бу фильмни ўша ерда кўрганларини айтишган. Фильмнинг қахрамон туғилиб ўсган Пахтачи туманидаги премьерасига айрим сабаблар билан бир кун кейин борганмиз. Кейинги кун Пахтачига худди фильмдагидек ҳарбий кийимда борганман. Қудрат Суюновнинг ўқаси Мусулмонқул ва сингисининг фарзанди Норхол мени кўриб қотиб қолишган. Уларнинг наздида гўёки Қудрат Суюнов тирилиб келгандек бўлган...

*Р/С: Биз ижодий гуруҳимиз билан Пахтачи туманида бўлганимизда Қудрат Суюновнинг жиянлари хонадонда меҳмон бўлдик. Қахрамоннинг ўқаси Мусулмонқул Суюновнинг фарзандлари Мавжуда ая, Суннат ака, Шоҳида опа амакиси ҳақида, сингисининг фарзанди Норхол ая эса тоғаси тўғрисидаги хотиралари ҳақида сўзлаб беришди. Улар ўз шахсий суратлар архивидан Ражаб Адашевнинг 1968 йил Қудрат Суюнов ролини ижро этиш пайтида ҳарбий кийимдаги расмини бизга фахрларни кўрсатишди. Улар: «Ражаб ака тоғамиз, амакимизга жуда ўхшар экан», дейишди.*

24 ёшида қахрамонларча ҳалок бўлган Қудрат Суюновнинг тақдири Ирланд халқининг озодлиги учун курашган Уильям Уоллесага ўхшаб кетади. Негаки, ирландлар Уильям Уоллесага «Шерюрак» («Отважное сердце») фильмида Мел Гибсон томонидан яратилган образ тимсолидан келиб чиққан ҳолда ҳайкал ўрнатган. Биз ҳам ўзидан биргина расми қолган ўзбек қахрамонининг сиймосини Ражаб Адашев қиёфасида кўрдик. Ҳабибулла (Пўлат) Файзиев, Зиннат ва Дилшод Фатхуллинлар ҳамда семимли актёримиз яратган образини биз ҳам унинг қариндошлари сингари Қудрат Суюнов тимсоли сифатида эътироф этишга ҳақлимиз.

**Асрор РЎЗИБОЕВ сўхбатлашди.**



## ХАБАРЛАР

### ҒАЛАБА ВА ЧИГИТ

– 1945 йил 9 май куни ғалаба эълон қилинганида

далада чигит экаётган эдик. Эртага «ура»лаймиз, бугун чигитни экиб бўлишимиз керак, дейишди. Шу куни тун қоронғиси – ўнларгача чигитни ерга қадаб бўлдик, – дейди фронт орти фахрийси 88 ёшга кирган Қаланча момо Раҳимова ва сўзида давом этади: – 13 ёшимдан онамни ишлатмайман, деб «Правда» колхозида ишлаганман. Пахта, каноп етиштирдик, тинмадик. Оғир дамлар бўлди уруш йиллари, айниқса, урушдан кейин, лекин ҳеч нолиган эмасман.

8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлигининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Исроил Собиров, туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи подполковник Шерали Усмонов, «Нуроний» вакиллари, маҳалла фаоллари ва курсантлар Юқори Чирчиқ тумани, Ободон маҳалласи, Зилол кўчасида яшовчи фронт орти фахрийси Қаланча момо Раҳимовани зиёрат қилишди.

Курсантлар файзли хонадонга олиб борган мевали ниҳоллар ерга қадалди. Момо кўлларини дуога очди: «Бунинг ҳосилига ҳаммамизни этказсин».

**Ф. ЭРГАШЕВ**

## 97 ЁШЛИ САЛИЙ ОТА

Чимбай тумани Қоражон овулида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон ва Совет – япон урушлари қатнашчиси 97 ёшли Салий Ғаниев 2018 йили Хотира ва Қадрлар кўни муносабати билан Президентимиз томонидан совға қилинган қўл соатини ҳеч вақт қўлидан ечмайди.

Зенитчи-пулемётчи отахон ҳарбий хизматчиларнинг таширидан кўнгли тоғдек кўтарилиб, ҳаммага соғлик, дунёга тинчлик тилаб, дуо қилди.

1942 йилда фронтга жўнатилган Салий Ғаниев зенитчилик полкида пулемётчи вазифасида хизмат қилиб, жанггоҳларда фашистларнинг учар техникаларини йўқ қилишда қатнашди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Салий бобо Совет – япон урушида ҳам зенитчилар полки билан жангга қиради. 1948 йилда қахрамонимиз захирага бўшатилиб, она юртига қайтади. Нукусда Устюрт экспедициясида 10 йил, ундан кейин кўп йил колхозда пахта етиштириш ишларида меҳнат қилди.

Шу кўни нуроний отахон портатив ультратовуш текширув аппарати орқали тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур дори-дармон воситалари билан таъминланди.

**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати**

## «САРҲАДЛАРДА СЕРГАК БЎЛИНГ!»

Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, Қуроли Кучлар академияси ҳарбий хизматчилари ва курсантларининг ташрифи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси тўқсон бир ёшни қаршилаётган Мария Зенековани севинтириб юборди. Самимий сўхбат чоғида уруш даври хотиралари ёдга олинди.

Полковник Даврон Усмоновнинг онахонга «Сизга биздан қандай ёрдამ керак?» деган саволига «Худога шукр, ҳамма нарсам етарли. Тинчлигимизни асраш йўлида сарҳадларда сергак бўлиб турсанглар, шунинг ўзи катта ёрдამ», дейди фахрий онахон миннатдор бўлиб.

Ҳарбий хизматчилар Мария Зенековага гулдаста ва Мудофаа вазирлигининг эсдалик совғаларини топширишди.

**Санам НИШОНОВА**



## НАГРАЖДЕНИЕ

“ В медицине особенно важна непрерывность обучения медицинских работников, – своевременное использование всех инноваций, которые предлагает прогрессивная наука для сохранения здоровья человека. Именно эти факторы играют ключевую роль в подготовке и переподготовке специалистов как в гражданской, так и в военной медицине.

## ЗА ОСОБЫЕ ЗАСЛУГИ В ВОЕННОЙ МЕДИЦИНЕ

Вот уже многие годы свою лепту в подготовку военно-медицинских кадров вносит профессорско-преподавательский состав Ташкентского института усовершенствования врачей. За свои заслуги и работу в этом направлении ряд преподавателей института награждены «Памятным знаком» министра обороны Республики Узбекистан.

Заведующий кафедрой анестезиологии и реаниматологии Института усовершенствования врачей, ведущий анестезиолог и реаниматолог Министерства здравоохранения Республики Узбекистан Джурабой Сабиров в медицине уже более 40 лет. За свою трудовую деятельность Джурабой Марифбаевич подготовил двух докторов наук, пятнадцать кандидатов наук по специальностям «анестезиология и реаниматология».



Ташкентского института усовершенствования врачей, доктора медицинских наук, профессора Дамина Асадова вручение «Памятного знака» министра обороны Республики Узбекистан стало важным событием.



– Сегодня военная медицина нашей страны поднялась на новый уровень, – отметил в своей речи Джурабой Сабиров, – в центральном госпитале открываются новые отделения, старые здания обретают новый вид, все это служит оказанию своевременной и качественной медицинской помощи.

Для начальника кафедры Таш-

– Я благодарю командование Министерства обороны за высокую оценку нашего труда. – сказал он. – С военными медиками мы часто проводим мастер-классы. Военнослужащие медицинской службы принимают активное участие в различных международных и местных научных конференциях. Это конечно же очень радует меня. Военная медицина Узбекистана не стоит на месте. И я очень горжусь, что мои знания и опыт передаются молодым офицерам – продолжателям военной медицинской науки.

**Чингиз РАЙМБЕРДИЕВ**

## МУНОСАБАТ

## МУҲИМ ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТ

“ Президентимизнинг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасини тинглаган ҳар бир инсон замон билан ҳамнафас бўлиш лозимлигини, аввалгидек эскича ишлаб бўлмастлигини англагани тайин. Зотан, Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлининг энг долзарб палласига кирмоқда.

Кейинги уч йил давомида барча соҳалардаги ислохотларнинг сарҳисоби қайд этилган муҳим дастурий ҳужжатда давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга урғу бергани бежиз эмас. Дунёда сунъий интеллектни қўллаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётган бир пайтда ўзбек олимларининг инновацион ишланма ва ихтиролари ҳам кенг жамоатчилик диққат марказида турибди. Ўзбекистон Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳам илм-фан, рақамли технологияларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Институтида 2019 – 2021 йилларга мўлжалланган «Турли экстремал вазиятларда ҳаракатла-

раси ўқитувчилари капитан А. Бобоев, капитан Д. Аҳмедов Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти профессори А. Шермухаммедов билан ҳаммуаллифликда монография чоп эттирди. Қатор монография ва ўқув қўлланмалари яратган подполковниклар – Ш. Жаниев, Н. Ғуломов, Б. Абдураимовнинг ўқув-ўслубий фаолияти ҳам сермахсул.

Ҳозирги кунда тайёрланаётган ҳарбий кадрлар нафақат энг илғор, инновацион билим ва кўникмаларни эгаллаши, балки ўрганганларини амалда қўллай олиши муҳим. Бунинг учун олий ҳарбий таълим муассасамизда курсантлар техника фанлари бўйича фалсафа доктори катта лейтенант Бахтиёр Алибоев раҳбарлигидаги «Моҳир автомо-



нувчи ҳарбий автотранспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги давлат инновацион амалий лойиҳаси устида изчил тадқиқотлар олиб борилаётгани бунга яққол мисолдир. Техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Дониёр Аҳмедов раҳбарлигидаги мазкур лойиҳага Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан грант маблағлари йўналтирилмоқда.

Институтнинг «Автомобилтехника тузилиши ва эксплуатация қилиш» кафедр-

билчилар» тўғарагига кенг жалб этилган.

Инновация дегани илм натижаларини пулга айлантириш, иқтисодни тараққиёт этиришга йўналтиришдир. Президентимиз таъкидлаганидек, бу машаққатли йўл, маррага етиш осон бўлмайди. Бугун маррани банд олиб, астойдил излансак, кўзлаган мақсадимизга албатта эришамиз.

**Полковник Ғайбулла ҲАМИДОВ,**  
Миллий гвардия Ҳарбий-техник  
институти кафедра бошлиги,  
профессор

## ЖАРАЁН

“ Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан Тошкент шаҳар ва вилояти ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда ҳарбий пенсионерлар билан бевосита мулоқот ва сайёр қабуллар ташкил этилмоқда. Улардан навбатдагиси Нурафшон шаҳрида Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари иштирокида ўтказилди.

Мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни имкон қадар жойида ижобий ҳал этиш мақсадида ташкиллаштирилган ушбу қабулда Миллий

## САЙЁР ҚАБУЛДА МУАММОЛАР ТИНГЛАНДИ

гвардия хизмат ва бўлим бошлиқлари ҳамда Тошкент вилоятининг 15 дан ортиқ ташкилот мутахассислари томонидан 85 дан зиёд мурожаат тингланди. Уларнинг асосий қисмини болаларни мактабгача таълим ташкилотига жойлаштириш, ҳарбий хизматчилар турмуш ўртокларининг бандлигини таъминлаш, коммунал маиший соҳада учраётган муаммолар ва давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ мурожаатлар ташкил этди. 15 та мурожаат шу жойнинг ўзида ҳал қилинган бўлса, қолганлари рўйхатга олиниб, ижро мuddатлари белгиланди. Ҳарбий прокуратура ходимлари томонидан 41 нафар

мурожаатчиға ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Шунингдек, тадбирлар давомида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида китоб ярмаркаси ташкил этилди.

Тадбир ташкилотчилари Нурафшон шаҳрида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Ражаб ота Мажидовнинг хонадонига ташриф буюришни ҳам унуттирмади. Барчаси самимий бўлди: совға-салом, суҳбат ва чиройли дуо...

**Адлия полковниги Фахриддин БЕГАШЕВ**



## НУҚТАИ НАЗАР

«Агар азиз ва муқаддас миллий маънавиятимизни беозор кўзичоққа қиёслайдиган бўлсам, уни беўхшов «уриб-увиллаб» ҳимоя қиладиганларни бўрига ўхшатгим келади. Бўривойлар кўп, аммо кўзичоқ битта. Улар «қоровуллик» баҳонасида тишларини кўрсатиб ириллаган сари кўзичоқ сесканиб, ҳаёт билан видолашаётгандай чор атрофга термилади.

Бир куни эрталаб маънавият раҳнамоларидан бири уйимга кўнғироқ қилиб, ҳаяжон билан шундай деди:

– Иброҳим ака, иш чатоқ, ҳозир катталардан гап эшитдим, бир профессор миллий маънавиятимизни ҳақоратлаб, газетада чиқиш қилибди, ёрдам бермасангиз бўлмайди.

– Яхши, олдин газетани бериб юборинг-чи, ўқиб кўрай! – дедим.

Газета ҳали етиб келмасидан у яна кўнғироқ қилди:

– Ака, унга жавобни бугун тайёрлаб бермасангиз бўлмайди, эртага газетада босилиб чиқиши шарт!

– Олдин ўқиб кўрай-чи! – дедим.

Газетани ўқиб чиққунимча яна қайта-қайта кўнғироқ бўлди. Ниҳоят, миллий маънавиятимиз, ўтган улўғларимизнинг айтганлари, урф-одатларимиз бутунлай инкор этилиб, Ғарбнинг турмуш тарзи улўғланган мақолани ўқиб чиққанимдан сўнг унга кўнғироқ қилиб:

– Жавобини икки кундан сўнг оласиз, – дедим.

– Э, йўқ, бунақада яна гап эшитамиз, ака, илтимос, тезлаштинг! – деди у.

Тўғриси, ўта долзарб ва оғрикли мавзу бўлгани учун кечаси ухламай ўтириб ёзишга қарор қилдим-да, унга:

– Эртага эрталаб соат 9 да оласиз, – дедим.

Менинг миллий маънавиятимиз душманига жавобим бир кун ёки бир ҳафта эмас, хатто бир ойдан кейин ҳам газетада босилмади. Менга ялиниб-ёлворган маънавият раҳнамоси эса ваъда беришдан чарчамас эди.

Мен ҳам анойи эмасман. Маънавият раҳнамоси ишлайдиган жойдаги танишларим билан учрашиб, бунинг сабабини аниқладим. Уларнинг айтишича, маънавият раҳнамоси никоҳидаги «бўривой» газета бош муҳаррири билан тил бириктириш ҳисобига «кўзичоқ»ни қурбон қилибди. У саксонни қоралаб қолган Норматовни боғлаб лақиллатдим, деб сайловолди кампанияси пайтида

# МЕН ЖИМ ТУРОЛМАЙМАН

Қозоғистонда автобусда ёниб кетган одамлар ҳақида сафсата сотиб юрганида, менинг ўша жавобим «Вафода ўхшама булбулга асло» номли китобимда босилиб чиқди. Мен миллий маънавиятга хиёнатни Ватанга, миллатга, динга хиёнат, деб билман. Афсуски, бундай бўривойлар орамизда кўп. Якка-ю ягона, азиз ва муқаддас «кўзичоғимиз»ни уларга ишониб топшириб, хато қилмаепмизми, азизлар?

Бир гуруҳ миллий маънавият тарғиботчилари сафида Навоий шаҳри ва вилоятида бўлдим. Учрашувларда миллий маънавият ҳақида атиги бир оғиз-бир оғиз гапиришга имкон беришди. Бунга жами бир сатрдан сал кўпроқ вақт кетди. Бироқ ресторанда уч соат ўтирдик. Жами 30–40 нафар кишимиз. Ичкиликбозлик шу даражада авж олдики, кайф ошганидан кейин миллий маънавиятдан маъруза қилгани борган фан доктори-ю профессор, юристу маданият арбоби, журналисту шоир каби зиёлилар қийшанглаб ўйнай бошлашди. Бизга бошлик бўлиб борган маънавият раҳнамоси ҳокимиятдагилар билан уриштириб ичаверганидан бироз сулайиб қолди. Менга ўхшаганлар уч-тўрт нафар экан, ташқарига чиқиб кетдик. Ичкаридаги «асл» маънавиятчилар олдига киролмай, уч соат кўчада санғиб юрдик. Тоқатим тоқ бўлгач, ичкарига кириб: «Бўлди-да энди, маънавиятни оёқости қилдиларинг, поезд келишига 15 дақиқа қолди!» дедим.

Тошкентдан биз билан борган отарчи-маънавиятчи: «Ичмасанг, ўйнамасанг, бор йўқол!» деб мени урмоқчи бўлди. Яхшиямки, биттаси: «Бобойни урманг!» деб унинг қўлини ушлаб қолди. Бундай маънавиятчилар нафақат бўривойларга, балки триклиайн ғажиб ташлайдиган сиртлонларга ўхшайди. Мен ўшанда бунга кўзичоқ эмас, шерни тилка-пора қиладиган сиртлонлар базмига қиёслайдим.

Бундай ҳолат миллий маънавиятдан ташқари давлатга қай даражада моддий зарар етказаятганини айтмайсизми?! Хўш, 30–40 кишини теозор поездда, маънавият раҳнамосини эса «Афросиёб»да Навоий шаҳрига олиб бориб-олиб келиш-у, ресторан харажатлари қанчага тушади? Ахир шунча маблағ миллий маънавиятни тарғиб қилишга сарфланди, деб ҳисоб берилиши аниқ-ку! Бунақа тадбирлар мунтазам ўтказилиши ва

айрим ходимларнинг доим хизмат сафариди бўлишлари эътиборга олинса, бўривойлар қоровуллиги-ю, сиртлонлар базми давлатга қанчага тушади? Бу ҳақда ўйлайдиган инсон ёки идора борми?

Турли вазирлик ва идораларга, Мудофаа вазирлиги тизимидаги бўлинмаларга миллий маънавият мавзусида маърузалар қилишга мени ҳам чақириб беришди. Кўпинча рўмол ўраш ва жиҳобга дахлдор саволлар беришди.

– Баъзи ўзбек аёллари жиҳобга ёпишиб олишди, ахир бу араблар кийими-ку! – деган саволни кўп беришди.

– Тўғри, – дейман савол берган аёлга, – бироқ сизнинг устингиздаги калта юпка, энгис кўйлак ва тор шим ҳам ўзбек аёлларининг миллий кийими эмас. Олтмишинчи йилларгача юзни тўлиқ беркитиб турадиган паранжисиз, узун лозимсиз, этаги тўпиққача тушиб турадиган, ёқаси ва энги кенг кўйлак киймайдиган аёлларни кам кўрар эдик. Ҳозир очик-сочик, энгил-елпи, калта ва тор кийинишда ўзбек аёллари Ғарб дунёсидаги аёллардан ҳам ўтиб кетишди. Хўш, нега араблар ва форсийлар ўз миллий кийимларини сақлаб қолгани ҳолда биз деярли европалашиб қолдик?! Ҳозир эркақларимиз тақаётган галстук ҳам, кияётган костюм-шим ҳам бизнинг миллий кийим эмас. Хатто қизим: «Дўппи кийсангиз, қишлоққа ўхшаб қоласиз», деб менинг устингдан кулади. Бунақада бироз вақт ўтиб, ўзбеклигимиздан ор қиладиган бўлаемиз. Ҳозирнинг ўзида бу жараён тезлашиб борапти. Бўзунги кунда нафақат ёшлар ўртасида, балки катта ёшли аёллар орасида ҳам яшашда ва юриш-туришда Ғарбнинг турмуш тарзига тақлид қилувчилар кўпайиб борапти.

Очигини айтсам, мен миллий маънавиятга дахлдор маърузаларимда доим ҳар бир сўзимда ҳадеб Алишер Навоий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Хожа Аҳрор Валий ва бошқа улўғ болболаримизнинг номларини такрорлайверганимиз билан маънавияти юксак ўзбек бўлиб қолмаймиз, дейман. Салла ўрамасак ёки чопон киймасак ҳам, жиҳоб ўрамасак ёки дўппи киймасак ҳам, намоз ўқимасак ёки рўза тутмасак ҳам, масжид қурмасак ёки ҳажга бормасак ҳам, қурбонлик қилмасак ёки эҳсон бермасак ҳам кийинишда,

юриш-туришда, ахлоқ-одобда, тўй ва маъракаларни ўтказишда, тўғрилиқ ва ҳалолликда, меҳр-оқибат ва иззат-ҳурматда, салом бериш ва алик олишда ўтган улўғларимиз қолдирган бой маънавий меросдан ибрат олайлик. Бизнинг ўзбеклигимиз ва мусулмонлигимиз ҳар бир хатти-ҳаракатимизда намоён бўлсин. Акс ҳолда биз ҳар куни юз марта лаб номларини тилга олаётган улўғларимизга хиёнат қилган бўламиз.

Яхшиси, Алишер Навоий бобоимиздек, илтижо қилайлик: «Илоҳи, жоҳил сўхбатига банд қилма ва разиллар ҳашаматига ҳоҳатманд этма».

Тўғриси, сўзамолликда, фахрлашишда, гурур чўққисини забт этишда, эзмаланиб бир гапни такрорлайверишда, популистик чиқишларда ҳар қандай халқни аро йўлда қолдириб кетаяпмиз. Бироқ сўзимизнинг устидан қишда ҳам ўзимизни ўзимиз аро йўлда қолдираяпмиз. Кўплаб телекўрсатувлар, телесериаллар, айниқса турк сериаллари миллий маънавият ҳақидаги сўзларимизни инкор этишга хизмат қиляпти. Саёз ва мантқиқсиз маърузалар, хўжақўрсинга ўтказилаётган тадбирлар, бунда асосан ўйин-кулгига эътибор берилаётганлиги, режаларнинг умумийлиги, маърузаларнинг сифати ва мақсадга йўналтирилганлиги устидан назоратнинг сустлиги, ўзгаларга ва ўз-ўзига нисбатан танқиднинг йўқлиги, тарғибот-ташвиқот ишларидаги бир хиллик ва зерикарликлик, ташлаб-бус ва изланувчанликнинг заифлиги, маърузачилар кўпроқ Ғарбнинг турмуш тарзига тақлид қиладиган одамлар эканлиги, маърузаларга юксак маънавият эгаси бўлган тўғрисиёз одамлар эмас, аксинча, қуруқ сафсата сотиб маддоҳлик қиладиганлар тақлиф этилаётганлиги оқибатида миллий маънавиятни тарғиб қилишнинг таъсир кучи сўниб борапти. Бир таниқли ёзувчи оммавий ахборот воситаларидан бирига берган интервьусида буни «ўлик» ҳолат, деб атади.

Сўзимнинг бошида бир маънавият раҳнамоси менга ўзи ялиниб-ёлвориб ёздиган мақолага қандай хиёнат қилганини айтиб ўтганимдек, шу йил январь ойида ўша муаллиф яна ўша газетада миллий ғоя ва миллий маънавиятимизга тош отиб чиқиш қилганида ҳам маънавият раҳнамолари яна оғизларига талқон солиб, жим туришди. Демак, «ўлик» ҳолат давосиз дард экан, ҳеч нарса ўзгармайди. Бироқ мен мунофиқликдан ҳазар қиламан. Шунинг учун жим туролмадим.

Навоий бобомиз Яратганга мурожаат қилиб, дейди: «Илоҳи, қаламим ҳамдирини ёзишга машғул ва ёзганларим халойиқ кўнглига мақбул бўлғай».

Миллий маънавиятни бизга Яратганнинг ўзи берди.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган журналист

## ТАНИҚЛИ ЖУРНАЛИСТДАН ЯНА БИР СОВҒА

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, сиёсий шарҳловчи Иброҳим Норматов «Журналист бўлмоқчимисиз?..» номли янги китобини мухлисларга тақдим этди.

Ўқувчилар таниқли журналистнинг «Озодликка бахшида умр», «Мартаба сизни йўқлаб келса...» ҳамда «Вафода ўхшама булбулга асло» номли китобларини қизиқиб ўқиганига шубҳа йўқ. Негаки, устознинг республика матбуотида чоп этилган ҳар бир мақоласини ўқувчилар интиқ кутишади.

«Олтин қалам» соҳибининг «Журналист бўлмоқчимисиз?..» китобида турли йилларда газета ва журналларда чоп этилган қизиқарли, ўз ўрнида «шов-шувли» мақолалари жой олган. Кенг ўқувчи оммасига мўлжалланган ва бўлажак журналистлар учун қўлланма бўла оладиган китоб «Илоҳ инъоми – ижод манбаи», «Огоҳлик ва хушёрлик ҳамisha зарур», «Акс-садо» ҳамда «Ахборот хуружларидан сақланган» номли тўрт бўлимдан иборат.

Тиниб-тинчимас ғайратли устозга мухлислар номидан миннатдорчилик билдирган ҳолда, «Янги асар муборак!» деб қоламиз.

**З. ЮНУСОВА**





## МЎЎТАБАР ЗОТ

Мудофаа вазирлиги қўшинларида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган ҳарбий хизматчи аёллар спартакиадаси ўтказилди.

Уч кун давомида ҳарбий қисм ва муассасалардан келган 11 жамоа эстафета югуриш, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка, сузиш ва бадминтон бўйича ўзаро рақобатга киришдилар.

# НАФОСАТ СОҲИБАЛАРИ БЕЛЛАШУВИ ҚИЗҒИН КЕЧДИ

Спартакиаданинг биринчи кuni эстафета югуриш бўйича мусобақада 800, 400, 200 метр ораликда байроқчани алмашадиган спортчи аёллар тезликда ҳар қандай профессионалларни ҳам доғда қолдиришлари мумкинлигини исботлашди. Аслида қизиққан одам учун спорт ҳаётнинг мазмуни. Жисмоний куч сарфлаганингиз сари энергиянгиз ортиб боради. Ўзингизни бахтли ҳис қилиб, бошқаларга ҳам хушнудлик улашасиз.

Мусобақа давомида дўстона рақобатга киришган ҳарбий хизматчи аёллар қанчалар чиникқанлиги маълум бўлди. Ўзаро беллашувга киришган жамоаларнинг бир-бирига сира бўй бергиси келмасди. Жамоавий ўйинларда кичик фарқ билан ғолиблар аниқланаётгани ҳарбий хизматчи аёлларнинг жисмоний тайёргарликда бир-биридан



қолишмаслигини билдирарди.

Нима бўлганда ҳам энг кучлилар ғалаба қозониши мўқаррар.

Сузиш бўйича Мудофаа вазирлиги марказий алоқа тугуни ва Мудофаа вазирлиги Марказий аппарати жамоаси аъзоси сержант Ю. Келдешова 1-ўринни қўлга киритган бўлса, шахмат мусобақасида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси аъзоси сержант Т. Гараченко ғолибликка сазовор бўлди.

Шашка доналари суришда Куролли Кучлар академияси вакили

сержант Д. Отахонова энг моҳир эканини намойиш қилган бўлса, бадминтон спорт турида ҳам Куролли Кучлар академиясининг яна бир вакили сержант Б. Ирматова байроқни олиб кетди. Стол тенниси бўйича беллашувларда бу йил ҳам Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти вакили кичик сержант А. Ҳабибова биринчиликни эгаллаб, ўз ўрнини бўшатмади.

Эстафета югуриш мусобақасида Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондон-



лиги жамоаси, волейбол спорт турида Мудофаа вазирлиги марказий алоқа тугуни ва Мудофаа вазирлиги марказий аппарати жамоаси бошқа иштирокчилардан устун келиб, ғолиб бўлди.

Умумжамоа ҳисобида натижа куйидагича бўлди: Мудофаа вазирлиги марказий алоқа тугуни ва Мудофаа вазирлиги марказий аппарати жамоаси 1-ўрин, Чирчиқ олий танк қўмондон-

лик-муҳандислик билим юрти 2-ўрин, Куролли Кучлар академияси 3-ўрин.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда медаллар билан тақдирланди. Куролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари куй-қўшиқлари билан иштирокчиларга байрамона кайфият улашди.

**Катта лейтенант  
Азиз НОРҚУЛОВ,  
«Vatanparvar»**



## «АЁЛГА БАХТ БЕРИНГ, САОДАТ БЕРИНГ!»



Куролли Кучлар давлат музейида ташкил этилган «Аёлга бахт беринг, саодат беринг!» деб номланган тадбир хотин-қизларга бўлган эҳтиром ва эъзоз намунаси бўлди. Унда эл ардоғидаги шоиралар, халқ артистлари ҳамда Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари қатнашди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Умида Абдуазимова ўзбек аёлларининг матонати, сабри ва ҳаёси бутун дунёга ўрнатилганлиги ва бу катта масъулият, фахрлигини ибратли мисоллар билан ифодалади. Зулфия номидаги давлат мукофоти

соҳибаси Хулкар Шерзодова аёлни мадҳ этувчи шеърлар ўқиб берди.

– Инсон умри бир боққа ўхшайди, бу боғдан боғбон кетганда ҳам мева қолиши зарур. Йигитлар билан тенгма-тенг юрт учун мардонавор хизмат қилаётган аёллардан ҳам, албатта, яхши ном, ўрнатилишга арзигулик умр қолади. Зеро, Ватан учун қилинган яхши амал, эзгулик ҳеч қачон унутилмайди,– дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳфуза Боботиллаева.

**Шоҳсанам НИШОНОВА**



## БИЗ СОҒИНГАН МАВЗУЛАР...

# «САРДОР» БАДИИЙ ФИЛЬМИНИНГ ЯРАТИЛГАНИГА 20 ЙИЛ БЎЛДИ

«Ватанимга хизмат қиламан!» Бу калом қулоғимизга ўрнашиб, қалбимизга жойлашганига анча бўлган. Бу отамерос туйғунинг қонимизда оқаётгани, туғилиб ўсган гўша, она тупроққа бўлган меҳримиз туфайлигина эмас, балки йиллар давомида шу номдаги кўрсатувнинг телеэкранлардан тушмай, халқимиз эътиборини қозонганлигида ҳамдир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, устоз ижодкор, кўплаб киноасарлар, хусусан ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги фильмлар муаллифи Шавкат Маҳбубов номини биз айнан «Ватанимга хизмат қиламан!» кўрсатуви орқали яхши биламиз. Йиллар давомида юрт посбонларининг хизматини тўлақонли ёритган, уларнинг мардонаворлиги, жасурлиги, фидойилигини лавҳалар, роликлар орқали халқимизга кўрсатиб берган ижодкорнинг бу борадаги меҳнатлари таҳсинга сазовор. Қарийб 65 йилдан буён армияда хизмат қилиб келаётган устоз ижодкорнинг яна бир катта меҳнати бу, шубҳасиз «Сардор» бадиий фильmidir. Бу йил 20 ёшга тўладиган киноасарнинг муваффақиятлари талай. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳақида ишланган биринчи бадиий фильм – «Сардор» бугун ҳам севиб томоша қилинади.

Ёдингизда бўлса, «Сардор»нинг дастлабки қисмларида қаҳрамонларнинг курсантлик ва илк офицерлик даврлари ҳикоя қилинади. Режиссёрнинг мақсади – фильм қаҳрамонларини келгуси қисмларда кўмондон, яъни ҳақиқий сардор даражасига олиб чиқиш бўлган.

**Фильм режиссёри Шавкат МАҲБУБОВ**нинг кўпчиликини қизиқтираётган, томошабинларнинг меҳрини қозонган бироз мантқиқий яқунланмаган «Сардор» бадиий фильмининг давомини суратга олиш бўйича фикрлари билан қизиқдик.

– 1961 йили армияга қақрилганман, 3 йил хизматда бўлиб қайтдим, – дейди сўхбатдошимиз. – Армия ҳаёт мактаби, деб бекорга айтишмаган. Алоқачи бўлиб хизмат қилганман. Ўша пайтлардан ҳарбий техникаларга, ҳарбийлар ҳаётига қизиқишим ошган.

«Ватанимга хизмат қиламан!» кўрсатувида кўп йиллар режиссёрлик қилдим. Шу даврда ҳарбийлар ҳаёти ҳақида фильм тайёрлаш гоёси пайдо бўлди. Бир кун Юсуф Розиков: «Ҳарбий хизматчилар билан шунча йилдан бери бирга ишлаяпсиз, шу мавзуда фильм оласак, нима дейсиз?», деб қолди. Яхши таклиф, дедим. У сценарий ёзди, кейин енг шимариб ишга киришдик, анча тер тўқдик. Бунда ўша пайтдаги Мудофаа вазирлиги раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши жуда катта кўмак бўлди. Фильмни суратга тушириш ишлари Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида бўлди. Бирин-кетин уч қисмини олдик.

Қаҳрамонларнинг ҳарбий ҳаёти, курсант-лигидан то офицерлигигача босқичма-босқич кўрсатилди. Эндиликда офицерлар Зафар Давлатназаров, Ботир Розиков, Ўктам Ғозиев сингари фильм қаҳрамонларининг кейинги



ҳаётини, уларнинг Қуролли Кучлар академиясида ўқигани, подполковник, полковник, генерал бўлганлигини, кўмондон бўлиб мудофаа соҳасида фидойилик кўрсатаётганлигини кўрсатадиган навбатдаги қисмини олишни режалаштирганмиз. Чунки орадан кам эмас – 20 йил вақт ўтди. Кинодаги курсантлар, офицерлар ҳам табиий равишда улғайди. Юмшоқроқ айтганда, энди уларга ҳеч қандай грим керак эмас. Қолаверса, бугунги Қуролли Кучлар тизимида катта ўзгаришлар, янгиланишлар бор. «Темурбеклар мактаби»даги Давлатназаров фарзандининг ўқиси орқали, ҳозирги бошланғич ҳарбий таълим жараёнларини, шу билан бирга, олий ҳарбий билим юртларида, ҳарбий қисмлардаги шароитлар, жанговар тайёргарлик ҳақида тўлиқ таассуротга эга фильм ишлаш ниятимиз бор.

**Минҳожиддин МИРЗО, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари:**

– Кишини ватанпарварликка ундайдиган, ўз туғилиб ўсган юртини севишга чорлайдиган воситалар ичида кинонинг алоҳида ўрни бор. Бу борада «Сардор» бадиий фильмининг ҳиссаси беқиёс бўлган. Ўз даврида катта эътибор ва шўхрат топган бу киноасар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Зеро, тарихимизда кинолар учун йирик планли асарларга арзирлик қаҳрамонлар талай. Озодлик, хурлик учун туғ кўтарган, миллатнинг маърифатини ўз ҳаётидан устун қўйган буюкларни ўзимизга ва ўзгаларга танитадиган фильмлар бугун ҳам жуда зарур.

Бугунги осойишта турмушимиз посбонлари ҳаётини ёритган кўп қисмли мазкур асарнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у эр йигитларимизда юрт ҳимоячиси бўлишдек олий туйғунинг шаклланишида катта ўрин эгаллади. Мустақиллигимизни асрайдиган, чегараларимизнинг дахлсизлигини ҳимоя қиладиган жасур ўғлонларнинг юрагида Ватанга бўлган меҳр ва муҳаббатни алангалатадиган бундай фильмлар сонини яна ошириш керак, назаримда. Чунки айна пайтда дунё сатҳида урушлар бор, беайб халқларнинг

кўз ёшлари, қонлари тўкилишда давом этмоқда. Шунинг учун ҳам хориж сериаллари телеэкранларимизни бўшатмай турган паллада ўзимизнинг чин туйғуларимиз ҳақида ишланган «Сардор» бадиий фильмидек асарлар жуда зарурдир.

**Подполковник Саидвали АБДУРАҲМОНОВ:**

– «Сардор» фильми чиндан ҳам ёшларни ҳарбийликка қизиқтира олган. Эсимда, 11-12 ёшларда эдим. Телевизорда тинмай ушбу фильм бериларди. Кино қаҳрамонларининг ҳаётини, уларнинг жасоратини, тинчлик учун қиладиган мардонаворлигини кўриб, бу касбга нисбатан ҳавасим ортган. Ҳарбийларнинг ҳаётини чинакамига ёритиб берадиган, уларнинг машаққатли хизматини, матонатини очиқ берадиган кино бўлган. Фильм туфайли қанчадан-қанча йигитлар Ватан ҳимоячиси бўлишни юрагига туғди. Сафдошларим орасида бундай йигитлар кўп.

Бугун ҳам шундай фильмларга эҳтиёж бор, назаримда. Айниқса, курсантлар ҳаёти билан боғлиқ. Чунки курсантларнинг фикри, дунёқараши 4 йил давомида фақат Ватан тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилишдек гоёлар билан суғорилади. У Ватанин ҳатто ўз суюқлисидан ҳам ортиқ севади. Шу ҳақда яна кинофильмлар суратга олинса, яхши бўларди.

**Одий аскар Мухтор МАМАЖОНОВ:**

– Бугун миллатимизнинг ғурурини, ўзлигини, жасурлигини кўрсатиб берадиган қаҳрамонлар ҳақида фильмларга катта эҳтиёж бор, деб ўйлайман. Киноларимиз учун мавзу, об-разлар ўтмишимизда ҳам, бугунги кунимизда ҳам етарлича. «Сардор», «Остона», «Ҳаёт» каби фильмлар эса юртимизнинг тинчлигини таъминлаётган, куну тун бедор ва сергак, ўз касбига фидойий ҳарбий хизматчиларимизнинг машаққатли ҳаётини кўрсатиб беради.

**P/S:** Яқинда Ўзбек миллий академик драма театрида «Султон Жалолиддин» спектаклини томоша қилдим. Очиғи, шундай тарихий, юрак ва қалб эҳтиёжи учун яратилган мавзуни нафақат биз, томошабинлар, балки актёрларнинг ўзлари ҳам соғинганлигини ҳис этдим. Худди шундай ватанпарварлик мавзудидаги фильмларни биз ҳам, санъат аҳли ҳам жуда соғинган. Демак, биз ҳали бу мавзуга қайтаемиз.

**Наргиза АСАДОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**



## ЭХТИРОМ

**Шукроналик ҳаётингиз  
безаги бўлди,  
Гоҳо ўкинч, изтиробдан  
мужгонлар тўлди,  
Ёруғ кунга умид боғлаб  
ой юзлар сўлди,  
Азобларга енгилмас  
жон, момоларимсиз!**

Ҳаётимиз, оиламиз нуруний оморлар ва боболар ила нурафшон. Уларнинг доно насиҳат ва бебаҳо ўғитлари миллий қадриятларимизнинг бир бўлагидир. Ёши улғу инсоннинг қадри улғу бўлади, дейишади. Бу бежиз эмас. Негаки, узоқ умр кўрган инсон синовлардан иборат узоқ йўлни босиб ўтади. Меҳнат, сабр-қаноат, шукроналик ила ўзгаларга ўрнатқ бўлади, эл назарига эришади. Бу ҳақиқатни Сўх туманининг Қалъа қишлоғида истиқомат қилаётган 91 ёшли Ибодат момо Джалолиддинова ҳаётида кўришимиз мумкин.

Ибодат момо уруш йиллари аёли. 1941 йилда Иккинчи жаҳон уруши «наъра» тортганида у 12 ёшда эди. Орадан икки йил ўтиб, 14 ёшида Саҳобиддин исми йигитга турмушга чиқди. Ҳа, ҳаёт тўхтамайди. Уруш йилларида оғир меҳнат, очарчилик ва юпунликда қурилган камтаргина оила, ҳамжихатликда фронт учун туну кун қилинган фидойи меҳнат – бу

КАНОАТ-ЛА КАДР ТОПГАН  
ИБОДАТ МОМО

ларнинг барчаси ғалабага қўшилган улкан улуш экани ҳақиқат.

Саҳобиддин ака ҳисобда яхшигина малакага эга, ҳайдовчиликдан хабари бор, бошқарувчиликда тажрибали бўлгани учун фронт ортининг масъулиятли вазифаларига жалб этилди. Негаки, фронтга озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармондан иборат бир қатор зарур таянч керак. Уни ўз вақтида жангчиларга етказиш муҳим ва кечиктирилмас вазифа. Саҳобиддин ака каби ғайратли, билимли, меҳнатқаш инсонларга мана шундай масъулиятли вазифа юкланди. Қалъа қишлоғидаги кексалар уруш йилларида Ибодат момо ва унинг турмуш ўртоғи томонидан амалга оширилган ишларга алоҳида урғу бериб ўтишди: – Уруш йиллари фронт ортидаги

ҳаёт оғир кечган, – дейди Сўх тумани Нурунийлар жамоатчилик кенгаши раиси Тожибой Дадабоев. – Айниқса, юртимизнинг чекка ҳудудларида очарчилик сабаб, халқимиз қаттиқ азият чеккан. Аммо қўлидан иш келадиган ёшу кекса борки, эрта баҳордан кеч кузга қадар далаларда ётиб ишлагани, ўзининг қорни тўйма-да фронт учун озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирганини ёши улғулар эслашади. Ибодат момо ҳам мана шу заҳматқаш, фидойи инсонлардан бири бўлганлигини сўхликлар кўп гапирди.

Турмуш ўртоғи билан бирга ташландиқ ерларни ўзлаштириб, пахта майдонларига айлантириш, Сўх дарёсининг четларида шולי ва бугдой етиштириш, техника етиб бормаيدиган тепаликларда қилд меҳнати билан боғлар барпо этишда онахоннинг улкан ҳиссаси бор. Ҳалигача Сўх-чўли маҳалласидаги ерни «Ибодат замини» дея номланиши бежиз эмас. Бундан ташқари, чорва ҳайвонларини боқиб, фронтга гўшт маҳсулоти етказилиши-

га катта улуш қўшган, ўз қўллари билан пайпоқ, қўлқоп, шарифлар тўкиб, жангчиларга юборган. Бир сўз билан айтганда, момонинг уруш йилларида меҳнат фронтдаги жонбозлиги ҳаммага ўрнатқ бўлса арзийди.

Эл орасида эъзоз топиш осон эмас. Етти ўғил-қизни улғайтириб элга қўшган Ибодат момо бугун юртининг дуоғўй нурунийларидан. Момонинг набира, эвара, чеваралари бирин-кетин вояга етиб, юрт қорига камарбаста бўлишмоқда. Унинг ҳузуридан йўқловчилар узилмайди. Биз момонинг зиёратида бўлганимизда маҳалла фаоллари билан бирга ҳарбий хизматчилар ҳам таъриф буюришди. Ибодат момо дуога қўл очди: «Юртимиз тинч, хонадонларинг обод бўлсин. Аллоҳим умрларингга, ризқларингга барака берсин. Менинг ёшимга етиб, давру даврон суришлар. Эл хизматида бўлишдан асло чарчаманглар»...

**Зулфия ЮНУСОВА,  
«Vatanparvar»**

## ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

“ Фашизм устидан қозонилган Ғалабага ҳам ҳадемай 75 йил тўлади. Йиллар йилдирим. Вақт ҳеч кимга шафқат қилмайди. Музаффар жангчилардан санокўпчилари қолди. Бугун улар ҳолидан хабар олиш жамиятимизда, айниқса, Ватан ҳимоячилари учун эзгу анъанга айланган.

Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Тагир Салахутдинов пойтахтнинг Мирзо Улугбек туманида истиқомат қилади. Гвардия майори

Тагир Салахутдинов узоқ қутилган ғалабани Прагада қаршилаган.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари

қўмондонининг ўринбосарлари, Республика Ҳарбий прокуратураси вакиллари кекса жангчи хонадонда бўлдилар. Бугун улар ҳузурига шунчаки борилмайди. Йўқловчилар орасида авиация тиббиёти марказининг бош терапевти ҳам бор. Кексалек фасли ўзгарувчан.

– Тез-тез хабар олиб турибмиз, – дейди подполковник Уктам Мингбоев. – Муаммолари бўлса, ечимини топиб, кўмаклашамиз. Қуроли Кучлар фахрийси Ҳикмат Имомов бу борада яқин ҳамкори-ми. Яқинда пойтахтнинг Юнусобод туманида истиқомат қиладиган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси учун ҳарбий хизматчиларимиз

кўп қаватли уйнинг чиқиш жойи яқинига ўриндиқ ясаб беришди. Бу аслида айтишга ҳам арзайди. Бироқ шундай улғу инсонлар учун кичкинагина бўлса ҳам бир эзгу иш қилиш бизга ҳам ҳузур бағишлайди.

Шу куни Тагир Салахутдиновга генерал-майор А.Бурҳонов номидан эшитиш мосламаси топширилди. Шифокор мосламани керакли жойга қўйганидан кейин қариянинг нурсиз кўзлари жонлиб, келганлар билан қизиқа бошлади. Ҳа, эшитиш ҳам Аллоҳнинг ҳисобсиз, қиммати тенгсиз неъматларидан бирида.

**Инобат НОДИРШОҶОВА**

БОБОМНИ  
ЭСЛАБ...

Бобом Абдулҳай Собиров 1900 йил Тожикистон Республикаси, Хўжанд вилояти, Кўчак қишлоғида зиёлилар оиласида туғилган. Кўқон мадрасасида таълим олган Кўчак қишлоғи имоми Мулламуҳаммад Собир ўғли Абдулҳайга диний ва дунёвий илмларни чуқур ўргатган эди.

Йигирманчи аср бошлари дунёда жиддий ҳарбий-сиёсий ўзгаришга юз тутди. 1936-1937 йилларга келиб, миллат фидойиларини қатағон қилиш бошланди. Бобомнинг отаси Мулламуҳаммад Собир ҳам сургун қилинувчилар рўйхатида тиркалади. Бундан хабар топган бобом Абдулҳай Собиров ёш хотини ва бир ёшли фарзандини катта бувимга – онасига омонат қолдириб, отаси Мулламуҳаммад Собирни қутқариш мақсадида Хўжанд шаҳрини кесиб ўтувчи дарёни кечиб, Оҳангарон ва Олмалик шаҳарлари атрофидаги Қурама қишлоғига олиб ўтади.

Шу йилларда қочкин каби яшаб юрган боболаримнинг диний ва дунёвий илми билан бир қаторда рус ва форс тилларини ҳам мукамал ўрганганлигини билган маҳаллий аҳоли илм ўрганиш ва баъзи бир жиддий масалаларда ёрдам сўраб кела бошлайдилар. Ота-бола тез орада аҳоли ўртасида эътибор топади.

Бобом Абдулҳай Собиров ҳунар эгаси – ҳам уста, ҳам ернинг тилини биладиган деҳқон эди. Сирдарё вилоятида уйлар қурилиши ва чўлларни ўзлаштириш бошлангани ҳақида хабар топган ота-бола Сирдарёга йўл оладилар.

Улар қоронги тушганда Бекободга етиб келади ва шу куни чойхонада қолишади. Маҳаллий аҳоли билан қизинг суҳбат бўлиб ўтади. Совхозга ишчи кучи кераклиги ҳақида маълумот олганларидан кейин, эртасига бобом Абдулҳай Собиров совхоз раисининг идорасига боради. Раис уларнинг қимлиги ва қаердан эканлигини сўрайди, маълум бўладики, раис Раҳимов катта бобом Мулламуҳаммад Собирнинг дўсти. У боболаримга «Шу ердан ўзларингизга жой, бошпана қилинглр ва оилангизни кўчириб келинг», дейди.

Бобом Бекобод туманини кўздан

кечириб, ҳозирги Зафар кўрғонига жойлашади. Раис нима учун бу ерни таллагани ҳақида сўраганда, бу ҳудуд чуқурликда жойлашгани учун



шамол кам бўлади, шу ер маъқул, деб жавоб беради. Демак, бобом ҳудуднинг географик ҳолати, уй-жой қуриш илми бўйича ҳам етарли кўникмага эга бўлган. Шундай қилиб, боболарим 1938-1939 йилларда оиласини ва ака-укаларини ҳам Хўжанднинг Кўчак қишлоғидан шу ерга кўчириб келган.

Кўп ўтмай Иккинчи жаҳон уруши бошланади ва бобом Абдулҳай Собиров биринчилардан бўлиб урушга йўл олади. Минглаб юртдошлари қатори қақшатқич жангларда иштирок этади.

2-Беларусь фронтининг, 6-армия 47-ўқчилар дивизиясининг 334-ўқчилар полкида хизмат қилган бобом 1943 йил 10 апрелдан 1944 йил 9 сентябргача бўлган жангларнинг бирида Варшава шаҳрини ишғол қилишда гранатанинг осколкасидан оғир ярадор бўлади ва унга чап қўлининг биринчи ва иккинчи бармоқларини кесиб ташлаш ташхиси қўйилади. Лекин шунга қарамай, Абдулҳай Собиров жанг майдонини ташлаб кетмайди, соғлиги тиклангач, жангга қайтади.

Бобомнинг уруш ҳақидаги хотираларидан ушбу воқеани эшитганман. Маршал Ракасовский қўмондонлигида Кенезберг (Каленинград) шаҳрини ишғол қилиш, Одер дарёсидан кечиб ўтиш вақтида фашистлар икки-уч кун бобом таркибида бўлган бўлинмани сувдан чиқармасдан, қуршов зарбалари остида қолдирган. Кўп йўқотиллар ва мадад қўчлари, артиллерия қўшинларининг ёрдами билан Одер дарёсидан ўтган қўшин Кенезберг шаҳрини ишғол қилган.

Берлин остонасигача борган бобом ғалабадан сўнг бир неча жанговар орден ва медаллар билан учинчи гуруҳ ногирони бўлиб қайтган.

Урушдан сўнг бобомнинг уруш оқибатларини бартараф этиш, мамлакатни иқтисодий ривожлантиришда тиним билмай меҳнат қилганлигини айтишади. Саккиз нафар фарзандини ўқитиб, уй-жойли қилган бобом 1971 йил менингит касали билан оғриб, бу ёруғ оламни тарк этади.

Бобом Абдулҳай Собировнинг ҳаёт йўли, чеккан заҳматлари ҳақида ўйлар эканман, қалбимда фахрланиш ҳисси пайдо бўлади. Оғир кунларни бошидан ўтказган боболаримизнинг шарафли ҳаёт йўли ҳақида курсантларга ҳикоялар айтаман. Уларнинг рўёбга чиқмаган орзуларини амалга ошириш бизнинг зиммамизда эканлигини ўқитаман.

**Подполковник  
Исроил СОБИРОВ**



КЕЛИНГ, МУТОЛАА ҚИЛАМИЗ



# УРУШ ҲАҚИДА КИТОБ

”

«Мен уруш ҳақида китоблар ёзаман...

Болалигимда уруш ҳақида китоблар ўқишни хуш кўрмас эдим.

Болаликдаги қишлоғим урушдан сўнг «аёллар» қишлоғи эди. Хотинлар қишлоғи. Эркак овозини эслай олмайман. Уруш ҳақида хотинлар гапиришади. Йиғлашади. Йиғлагандай куйлашади.

Мақтабда ўлимни севишга ўргатишарди. Биз негадир ўлимни афзал билишимиз ҳақида иншолар ёзар эдик. Буни орзу қилар эдик...

Узоқ изландим. Эшитаётган нарсаларимни қандай етказсам экан?

Икки йил одамлар билан учрашдим, ёздим, аммо кўпроқ ўйладим. Ўқидим. Китобим нима ҳақида бўлади? Уруш ҳақидаги яна бир китоб. Нима кераги бор? Минглаб урушлар бўлган – катта-кичик, маълум ва номаълум. Улар ҳақида ёзилган китоблар эса ундан ҳам бисёр.

Аммо... Бу китобларни эркаклар ёзган ва улар эркаклар ҳақида...

Аёл ҳикоялари бошқача. «Аёллар» урушида ўзгача бўёқлар, ўзгача ифор, ўзгача тароват ва ҳиссиётлар бор. Ўзгача сўзлар. Уларда қаҳрамонлар йўқ, мислсиз жасорат ҳам йўқ, уларда фақат ғайриинсоний меҳнат билан машғул одамлар бор. Уларда нафақат одамлар, балки еру замин, осмону фалак, қушлар ва дарактлар азият чекади. Биз билан бирга тирикликни баҳам кўраётганларнинг ҳаммаси уқубатга гирифторм. Улар унсиз азоб чекади, бундан даҳшатлироқ нарса борми?

Мана шу уруш тарихини ёзмоқчиман. Аёллар тарихини ёритмоқчиман».

Светлана Алексиевич, «Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси»



Азиз ўқувчи, уруш ҳақида асарлар ўқиганмисиз? «Мақтабда ўлимни севишга ўргатишарди». Бу даҳшатли ҳақиқат. Уруш фақат қаҳрамонликдан иборат эди. Қаҳрамонлар ҳикояси, қаҳрамонлар тарихини ўқидик. Қаҳрамонликларга тўла фильмларни кўрдик. «Нега менинг онам туғмадийкин илгари, миллион-миллион партизанлар, кўнгиллилар сингари» деган шеърларни ёд олганмиз.

Таниқли актёр Рустам Сагдуллаев «Жанга фақат қариялар боради» фильмининг суратга олинган жараёнлари ҳақида гапира туриб, шундай деган эди: «Шу фильмин суратга олиш жараёнида урушнинг бор даҳшатини ҳис қилганман. Сиз фильмларда бомба портлашларини кўргансиз, албатта. Портлашда майин тупроқдан фойдаланилади. Тошчалар бўлмаслиги керак. Биласизми, портлаш овозидан ҳам даҳшатга тушганман, ўйлаганман: ҳақиқий жанглар қандай кечган экан...»

Аслида бу фильм эди, холос.

Оддий бир ўқувчи сифатида уруш ҳақида кўп бадиий ва ҳужжатли асарлар ўқиганман. Айниқса, ёшлардан иборат яширин гуруҳ аъзолари ҳақида ёзилган «Краснодон фожиаси»ни ўзим ўқиганим етмаганидек, барча синфдошларимга тавсия қилганман. Тавсия эмас, кўпроқ тарғиб қилган эканман. Ва кўпчилик бу китобни ўқиди. Деярли барчаси фашистлар томонидан даҳшатли қийноқлардан сўнг отиб ташланган бу гуруҳ ҳақида адиб Александр Фадеевнинг «Ёш гвардия» асари яратилган. Орадан йиллар ўтиб, ўйлайман: юрагим қандай кўтарди экан?!

Мен уруш ҳақида ёзилган асарлар

ҳақида тўхталмоқчи эдим. Иккинчи жаҳон уруши мамлакатимиздан олисларда кечгани билан у Ўзбекистон тарихида салмоқли саҳифаларни ташкил этади. Катта авлод ёзувчилари мизнинг асарларида бу давр ўз аксини топган. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Гафур Ғулор, Ҳамид Олимжон... бу номларни яна узоқ давом эттиришимиз мумкин.

Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясини ўқиганмисиз? Қочоқ аскар, қочоқ ўғил Турсунбой образи ёдингиздами? Бугун совет мафкураси руҳида ёзилган кўпдан-кўп асарлар ўз қимматини йўқотди. Аслида «Уфқ» ҳам ўша даврнинг асари. Бироқ бу асарда нафақат муҳаббат, балки она Онадек тасвирланган-да, урушдан қочган бўлса ҳам, кўроқ бўлса ҳам Турсунбой унинг учун азиз. Тилаб олган фарзанди. О, беминнат Она муҳаббати! Оламда ундан ҳам кучлироқ нима бор?

Қочқин аскарнинг онаси... Адиб уни жуда маҳорат билан... йўқ-йўқ, маҳорат билан эмас, меҳр билан тасвирлаган. Ғам-андуҳларини, армонларини, хавотирларини, илинчаклигини ва буюк меҳру муҳаббатини. Гўё ўз кечинмаларидек, гўё ўз бошидан ўтказганидек.

«Уфқ» – катта асар. Унинг бош қаҳрамони она эмас. Аммо биргина ана шу муҳаббатда, одамлардан пинҳон тutilган сирда, она муҳаббатиде урушга сассиз лаънат бор!

Асар ҳақида гапирган билан унинг қимматини англаш мушкул. Уни ўқиш керак. Ўқиган бўлсангиз, яна бир варақлаб чиқинг, ўша Она учун, она муҳаббатини яна бир бор юракдан ўтказиш учун.

Худди шунга ўхшаш ҳолатни Чингиз Айтматовнинг «Юзма-юз» қиссасида кўриш мумкин. Бу қисса кўп жиҳатлари билан «Уфқ»даги Турсунбой ва унинг онаси Жаннат холини эслатади.

Қиссадан ўқиймиз: «Исмоилнинг онаси – беозор, касалмаңд Бексаат кампир – ўша қишни бамисоли бир уюм тупроқ тағидаги инди онда сондагина атрофга қараб кўйиб, таҳликали кун кечирувчи кўрсичқондек ўтказди. Қочқинчи ўғлини одамлар нигоҳидан яшириш зарурати туғилган кезларда она бечора бутун фаросатини ишга солиб, ҳовлисидан ҳеч қаёққа чиқмасликка, ҳеч қаерда кўринмасликка, ҳамқишлоқлари билан ортиқча учрашув ва мулоқотлардан йироқ юришга ундади. Бундан ўзгача яшашнинг сира иложи йўқ эди. Шўрлик кун бўйи уйда набагинасига қараб ўтирарди, бошқа ҳеч нима талаб ҳам қилинмас эди ундан. Энг муҳими: кампирнинг шундай ҳаёт тарзи ўғлини ҳам, келинини ҳам тўла қаноатлантирарди. Улар унга тўла ишонишар ва суянишар эди. Шу кампир бўлмаганида аҳволлари қандай кечарди?! Саида ўтин йиғишга, шунингдек эрининг тоғ этағидаги бошпанасига бориб келиши учун гўдагини кимга ва қаерга қолдириб кетган бўларди?!»

Мана шу парчада қиссанинг мазмун-моҳияти қисман бўлса-да очилади. Урушдан қочган қочоқ аскар Исмоил, онаси (унинг серажини яноқлари сезилар-сезилмас оққан кўз ёши томчилиридан намиқиб кетган, у шу қадар мункайиб, озиб-ўзиб, бир тутам бўлиб, кексайиб қолган...) Бексаат, хотини Саида,

бешиқдаги гўдак.

Халқда берики мингга, мингники туманга, деган гап бор. Урушнинг фожиаси шундаки, у нафақат ўлим келтиради, балки энг инсоний туйғуларга човут солади. Инсонийликни сақлаб қолиш бениҳоя мушкулдир. Буни қочоқ Исмоил тақдирини кўра-миз. У энг муқаддас саналган, ёзилмаган қонунлар чегарасини бузди. У урушда ҳалок бўлган жангчининг етимлари ҳақиқига хиёнат қилди!

Нега шунча қаҳрамонлик қиссалари туриб, кўроқлар, қочоқлар ҳақида ёзмаман?! Чунки бу ҳам уруш эди. Қаҳрамонлари оддийгина аёллар бўлган, ҳаётлари тавқи-лаънат, номуссизлик ортидан барбод бўлган тақдирлар эди.

Ўқиймиз: «Таомил бўйича Исмоил қабристондан қайтаётган отлик қариндошларига бош бўлиши, дафндан кейинги майитнинг уйида бўладиган илк йиғинни бошлаб бериши, баланд овоз билан ув тортиши ва ўкириб эгар қошига бош қўйиши, Саида эса унга жавобан йўқлов жирларни уввос тортиб куйлаши лозим эди... Лекин улар, қонун ва қочоқлик ўртасидаги тегиримон тоши орасида қолганлар, бундан бенаиб эдилар...»

Қочоқнинг ҳам ўз ҳақиқати бор. Ҳамма кетгач, онаси қабрига борди ва ўкириб юборди. Ўқиймиз: «Она-жон, онажон, кечир! Мени кечир! Мени лаънатла! Нариги дунёда лаънатла! Урушни лаънатла! Лаънатла! Урушни лаънатла!»

Бир сўз кўшишдан ожизман.

Бундай асарлар кўп яратилган. Биргина адабимиз Ўткир Ҳошимов ижодига мурожаат қилсангиз, уруш одамларининг турфа қиёфаларини кўрасиз. Мен улғ адиблар асарларини таҳлил қилиш фикридан йироқман. Бироқ бир оддий ўқувчи сифатида Ўткир Ҳошимов қаҳрамонлари қалбимга яқинлиги билан қадридир.

Орангизда адабнинг новеллаларини ўқимаган одам топилмас керак. У урушда иштирок этмаган. Аммо кўпдан-кўп қаҳрамонлари уруш одамлари эди. Булар эрини урушга кузатган, кутиб кўзлари тешилган келинчақлар, сўнги нафасига қадар ўғли йўлига кўз тиккан оналар, мушфиқ опа-сингиллар, оталарини кутган болалар, ўзбек онасининг бағридан меҳр, кўзим ва нажот топган гўдақлар, ўғли кўйида телба бўлган қариялар эди.

Азиз ўқувчи, адолат билан айтинг-чи, булар орасида бегоналарни кўрдингизми?! Ўткир Ҳошимов асарларининг қиммати ҳам шунда. Адиб ижодида уруш мавзуси каттагина тадқиқот бўлишга арзирлидир.

Уруш мавзусидаги асарларни ўқиш осон эмас. Қайғули қиссалари кўп. Бироқ ўқимаслик ҳам мумкин эмас. Бугун ҳам дунё тинч эмас. Ер юзининг аллақаридадир қуролли тўқнашувлар юз бериб турибди. Аскарлар ҳалок бўляпти. Халок бўлган аскарни бегона деб билмайлик. У ҳам бир онанинг жигарпораси эди. Бор кучимиз, имкониятимиз билан бу каби адолатсизликка қарши турайлик. Айни кунда ҳам фашизм турли қиёфада ўзини намоён қилляпти. Очқиб ва уйғоқ қалб билан огоҳ бўлайлик!

Инобат ИБРОҲИМОВА,  
«Vatanparvar»



Кўёш кўп қаватли, баланд бинолар ортига яширинди. Батальон сардорининг хонаси қоронғулашди. Султонов юмшоқ креслонинг суянчиғига бақувват елкасини ташлаб, узоқ керишди, кейин ўрнидан охишта туриб, чироқни ёқди. Хонанинг у бошидан бу бошига ўйчан юриб бориб, столнинг бир четига турган телефон гўшагини кўтариб, йўфон, қатъиятли овозда навбатчиға буйруқ берди:

– Учинчи взводнинг сардори Фуломов ҳузурига кирсин!

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, хона эшиги очилиб, бир ёш офицер кириб келди.

– Буйруғингизга кўра, лейтенант Фуломов келди!

Подполковник унга диққат билан узоқ тикилди, гўё бу билан унинг кайфиятига қараб, взводдаги аҳволни билиб олмоқчидек эди.

– Ўтиринг, Фуломов, гап бор...

Офицер командир қаршисидаги стулга омонатгина ўтирди, Султонов эса рўparasида қизариб-бўзариб ўтирган ёш офицерни хижолатдан қутқариш учун аста жилмайиб сўради:

– Қани, энди гапиринг-чи, режадаги ишлар қалай?

– Гапнинг очиги, мазаси йўқ, – деди Фуломов аҳволни яшириб ўтирмай.

– Сиртидан қаралса, жамоамизда ишлар ёмон эмасдек туюлади. Бироқ икки аскар суви лойқалатяпти.

– Кимлар экан улар? – сўради подполковник қошларини чимириб.

– Исм-шарифини айтинг!

– Толипов билан Ғафуровларда...

– Жамоада бошлиқнинг обрўси бўлиши керак, – деди подполковник паршонин ҳолда.

Кейин бармоқлари билан столни асабий тақиллатди. Афғонистондаги уруш кунлари ёдига тушди.

... У ҳаракатдаги армияга келиб қўшилган чоғида, Фуломов ўспирин йигит эди. Танкчи бўлмоқчи эди, лекин уни пиёда аскарлар қисмига юборишди. То у ердаги аҳволга кўниккунча, снарядларнинг ваҳшиёна ҳайқириғига кўп сажда қилиб юрди. Кейин разведкачилар сафиға қўшилди.

Бир куни қисм сардори уларни қўппа-қундузи олис қишлоққа «тил» олиб келишга жўнатди. Қояли тоғлар бағрини кесиб ўтиб, қишлоққа жойлашиб олган душман қароргоҳи томон эмаклаб кетишди. Сийрак туман уларни душман нигоҳидан пана қилиши мумкин эди. Қуролдош дўсти Маҳкамов билан бирга қишлоқ четига уйдан душманларни бута орқасига чиқишини пойлаб ўтиришди.

Бир вақт уйдан чиққан бир соқолли йигит буталар ортига ўтиб қолди. Унинг орқасидан эҳтиёткорлик билан бориб, ўзларини душман устига ташладилар. Оғзини ёпиб бошига қоп кийгизиб, чуқуриликка судраб тушди. Қўлга олинган асирдан душман жойлашуви, сони, қурол-аслаҳаси

# ҲАМ ҚИЛУВЧИ ҲАМ



тўғрисида жуда муҳим маълумот олинди. Султонов билан Маҳкамов орденга тақдим этилдилар. Ана шунда у қуролдошларидан кўп нарсани ўрганиб олганига ишонч ҳосил қилди. Уни ўзи хизмат қилаётган взводга сардор этиб тайинлашди. Бу тайинловдан у қанчалик қувонганини ҳозир бир сўз билан таърифлаш қийин. Энди унинг ўзи аскарлар билан машқ ўтказиши, уларга ғамхўрлик қилиши керак. Бу ишни ҳам удаллади. Ўз ўрнини топишда унга қўл остидаги аскарлар яқиндан ёрдам беришди. Ана шунда Султонов анча энгли тортди. Командирнинг обрўси бўлиши керак. Султонов ўз жамоасида ана шундай обрўга эга эди. Аини пайтда ҳам шундай.

Фуломовга қийин. У қисмда янги офицер. Ёш офицерга четдан ёрдам берилмаса, тобелари олдида обрўсини тиклай олмайди. Тўсатдан Султонов жонланди. Унинг миясига қизиқ бир фикр келди.

– Фуломов, взводингизда автоматдан ўқ узиш бўйича натижалар қандай?

– Ёмон эмас.

– Ўзингиз... бу борадаги ютуқларингиз-чи?

– Камида саккизини ураман, нимаиди?

– Ҳм-м, эртага тонгда аскарларингизни машқ майдонига олиб боринг.

– Хўп бўлади. Кетишга рухсат этинг.

Взвод машқ майдонига етиб келганда тонг оқара бошлаган, батальон сардори Султонов бу пайтда машғул ўтказидаги урушда иштирок этиб, қанча-қанча душманларни ер тишлатган бўлса. Устига-устак мерган, нишонни бехато уради, деди.

Офицерлар ўқ узиш майдонидаги чизиққа яқин бориб, бағирларини ерга бериб ётишди. Аскарлар уларнинг орқа томонида тўдаланишди. Ўзаро пичирлашиб, нималарнидир муҳокама қилиб туришди.

– Лейтенантимиз хароб бўлди. Комбат уни бир чўқишда қочиради, – деди оддий аскар Толипов. Ғафуров ҳам қуролдошининг гапини маъқулади. Автоматлардан кетма-кет ўқ узилди.

Ҳаммининг кўзи нишонда эди. Умуман чакки эмас, – деди Сул-

чи марта автоматдан ўқ узаётганимиз йўқ, – дея тўнғиллади ўқ узиш чизиғида турганлардан кимдир. Яна кимдир хихилаб кулди. Фуломов қизариб кетди, лекин ўзини босди, кулгини эшитмаганга олди.

– Ўт оч! – буюрди Фуломов.

«Фуломов аскарларнинг наздида ёш боланинг ўзи», дея кўнглидан ўтказди подполковник.

Автоматларнинг «қарс-қурс» товушлари эшитилди, машқ натижалари эса чакки чиқмади. Толипов билан Ғофуровлар ҳам яхши баҳога лойиқ деб топилдилар.

– Баракалла, азаматлар! – мақтади батальон сардори Султонов взвод машғулоти тугатгач. – Энди сизлар дам олинглар, биз лейтенант билан бирга автоматдан ўқ узиб, беллашиб кўраимиз. Қарши эмасмисиз, лейтенант Фуломов?

– Йўқ, – дея уялиб кетди Фуломов.

– Беллашасан ҳам бўлади...

Султонов аскарлар кўзиде қизиқиш учкунлари пайдо бўлганини кўрди.

Толипов билан Ғафуров ҳатто баҳсни яқиндан томоша қилиш учун турган жойларидан анча олдинга ўтдилар. Сафда турган аскарлардан кимдир баланд овозда:

– Лейтенант ким билан баҳслашмоқчи бўлаётганини билмайди шекли?! Ахир подполковник Афғонистондаги урушда иштирок этиб, қанча-қанча душманларни ер тишлатган бўлса. Устига-устак мерган, нишонни бехато уради, деди.

Офицерлар ўқ узиш майдонидаги чизиққа яқин бориб, бағирларини ерга бериб ётишди. Аскарлар уларнинг орқа томонида тўдаланишди. Ўзаро пичирлашиб, нималарнидир муҳокама қилиб туришди.

– Лейтенантимиз хароб бўлди. Комбат уни бир чўқишда қочиради, – деди оддий аскар Толипов. Ғафуров ҳам қуролдошининг гапини маъқулади. Автоматлардан кетма-кет ўқ узилди.

Ҳаммининг кўзи нишонда эди.

– Умуман чакки эмас, – деди Сул-

тонов. – Ўттиз имкониятдан 27 очко олибсиз.

– Сиз мендан бир очко кўп олибсиз, – деди лейтенант оғзи кулоғида.

– Комбат билан баҳслашиб, голиб чиқаман, деб чучварани ҳам санаманг, – деди Ғафуров тиржайиб. – Отанинг қўли сизниқидан бақувватроққа ўхшайди.

– Сизнинг қўлингиз-чи? – сўради лейтенант оддий аскарга тик боқиб.

– Тўрт баҳо олдим, бунинг устига мен офицер эмасман-ку?!

Подполковник Султонов тўппа-тўғри Толиповнинг олдиға келиб, томдан тараша тушгандек қилиб тикка сўради:

– Сиз ҳам бугунги натижадан рози эмасмисиз?

– Йўқ, бўлади, ўртоқ полковник.

Комбат билан взвод сардори иккинчи марта ўқ узишганда, улар турлича очко олишди. Энди ҳеч ким ўзаро баҳслашмас, лейтенантга ҳавас билан тикилиб туришарди. Лекин оддий аскарлар – Толипов билан Ғафуров офицерга эшиттирмай, ўзаро Фуломовни калака қилишда давом этишарди.

Кейинги баҳсда қутилмаган ҳодиса рўй берди. Фуломов комбат билан бир хил очко йиғди. Султонов бундан фиғони фалакка чиққанини ҳаммага билдириб қўйиш учун овоз чиқариб чўқур «уф» тортди.

Толипов бўлса афтини буриштирди. Энди сўнги баҳсда биттадан ўқ узиш қолганди.

Фуломов пойлаб ўтирмай, автомат тепкисини босди.

– Шошиляпсиз! – дея асабийлашди Султонов. Кейин нишонни узоқ мўлжалга олди. Шу дақиқада батальон сардорининг кўнглида нималар кечаётганини ҳеч ким билмасди.

– «Агар у саккизликни урган бўлса, мен бешдан оширмаслигим керак.

Агар бундан ҳам кам бўлса-чи? Унда ишлар расво. Қўл остидаги аскарлар олдида обрўси уч пул бўлади. Оқ жойга ўқ уриш ҳам ярамайди. Унда ҳўрттага шундай қилганимни ҳамма билиб қолади, ўйлаган режам амалга ошмай қолади. Еттилик... Менга еттилик керак. У барибир саккиздан кам урмаган»...

Ўқ узилди. Аскарлар бориб нишон теккан жойни кўздан кечиришди. Комбат борганда, ҳамма унга маъюс тикилиб қолди:

– Ҳа, натижа қалай йигитлар? – деб сўради комбат ўзини ҳеч нарсдан хабари йўқдай кўрсатиб. – Мен голиб чиқибманми?

Аскарлар комбатга нима деб жавоб қайтаришни билмай, бир-бирларига маъноли қарашди.

– Йўқ, – деди кимдир орқа томондан бошини кўрсатмай. – Бу гал лейтенант галаба қозонибди.

Комбат елкаларини қисди ва сездирай, аскарларга назар ташлади. Улар лейтенантга ҳавас билан қараб туришарди.

Ўшандан буён кўп йиллар ўтди. Толипов билан Ғафуров аллақачон хизматни тамомлаб кетишган, лейтенант эса майор бўлиб, батальонга сардорлик қилляпти. Қўл остидаги ёш ҳарбийларнинг обрўсига обрў қўйиш учун онда-сонда подполковникнинг иш услубини қўллайди. Бу аънамага айланган.



## МУЛОҲАЗА

Дунё ўзгариши, ривожланиши билан касбларнинг турлари ҳам кенгайиб бормоқда. Авваллари касб деганда кўпроқ этикдўз, дуррадгор, сартарошларни кўз олдимишга келтирган бўлсак, эндиликда уларнинг турлари ҳам кўпайиб бормоқда. Бу касблар замирида бир нарса ётади: ҳалол меҳнат. Кимлардир ўз пешона тери билан ризқ топса, айримлар бошқаларнинг ҳалол меҳнат билан топган ризқига шерик бўлади. Улар садақа сўраб, тиланчилик қилади. Энг ачинарлиси, уларнинг айримлари буни ҳаёсизларча касб дейиш даражасигача борган. Баъзилари «Ота мерос касб», дея жавоб ҳам беради. Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи Рустам Жўраев қонунчиликка киритилаётган тиланчиликка оид ўзгаришлар бўйича берган изоҳида, кўчаларда тиланчилик қилаётганларнинг 85-90 фоизи ўзига тўқ одамлардан иборат эканлиги, қолганлари ишиси, меҳнатга лаёқатсиз ва ёрдамга муҳтож кишилардан ташкил топганлигини таъкидлаб ўтди. Савол туғилади: уларга садақа бериш керакми? Бу саволга Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг расмий веб сайтыда кўйилган жавоб берилган:

«Муқаддас ислом динимизда мусулмон кишига тиланчилик қилиш мумкин эмас. Фақатгина ногирон ёки бир кунлик таоми йўқ кишига бошқалардан нарса сўраб, кунлик эҳтиёжини қондириши мумкин». Моддий жиҳатдан тўқ одамнинг тиланчилик қилиши қанчалик тўғри?

Ҳадиси шарифда шундай ёзилган: «Ким ўзида етарли нарсаси бўла туриб одамлардан тиланса, киёмат кунни юзи тирналган ҳолда келади».

Кузатган бўлсангиз керак, йўлларда ҳайдовчи-ю йўловчилардан садақа сўраётган кишилар бор. Ҳатто улар орасида боласини кўтариб олиб, гўдак учун садақа сўраётган аёллар ҳам учрайди.

Ички ишлар вазирлиги йўл хавфсизлиги

# ЖАМИЯТДА ЯНГИ «КАСБ» ПАЙДО БЎЛДИ

## Шуғулланганлар жаримага тортилади

хизмати бош бошқармасининг берган маълумотларига кўра, йил бошидан февраль ойининг 19-санасига қадар йўл-транспорт ҳодисалари сабаб 141 киши вафот этган, шулардан 47 таси пидедалар айби билан содир бўлган. Агар мана шу икки ойлик кўрсаткичдан ўртача ҳисобда йиллик натижа чиқарилса, қандай катта рақам келиб чиқишини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Эҳтимол, «бу фалокатларга кўчаларимиздаги тиланчиликни касб қилиб олган кишиларнинг нима дахли бор?» дерсиз. Аммо уларнинг ҳайдовчиларга таъсири бўлмаслигига ҳам ҳеч ким кафолат беролмайди.

– Йигирма йилдан буён ҳайдовчилик касби билан шуғулланман. Кўчаларда боласини етаклаб садақа сўраётганларни кўрганимда таъбим хира тортиб, қўлим ишга бормай юради. Ҳатто, бир кунни рудда бўлган маҳалим, шундай ҳолат сабаб, бахтсиз ҳодиса содир бўлишига бир баҳя қолди», – дейди Тошшаҳартрансхизмати ходими Маматқул Эргашев.

Шу каби кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда жамоат тартибини таъминлаш бўйича бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Ҳатто Жиноят кодексининг 127-1-моддасида: «Аэропорт, вокзал, хиёбон, бозор, кўчаларда тиланчилик қилган ёки шу ишни такрор қилиш натижасида кўлга тушган кишиларга нисбатан 240 соатгача мажбурий жамоат ишларига жалб қилиш ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилгача озодликдан чеклаш ҳамда

1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш» каби жазо турлари белгилаб қўйилган.

Шу каби қаттиқ чоралар кўрилишига қарамай кўчаларда ҳамон бу иш билан машғул кишиларни учратяпмиз. Бу кетишда жамият аъзоларининг кўпчилигида боқимандалик кайфияти уйғониб қолмайдими? Қонун кучайтирилди, жазо муқаррар. Демак, ҳамма гап одамларнинг ўзларида қолган. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз, ўша тиланчиларнинг «бозор»ини гуллаётган аслида биз эмасми? Тўғри, сиз ҳазрати инсонсиз. Уларга раҳмингиз келади. Мўлтираган кўзларни, умидвор узатилган қўлларни кўрганингизда кўнглингиз юмшаб, беихтиёр чўнтак кавлайсиз. Аммо биз улар ҳақидаги статистика маълумотини юқорида келтириб ўтдик.

Балки бу мулоҳазамизни ўқиб, «кишиларни савоб учун садақадан қайтарма», дейишингиз ҳам мумкин. Аммо яхши ниятда узатган пулингиз бир она, бир бола ва бир оиланинг бутун умр боқиманда кайфиятда яшаб ўтишига замин яратиб берса-чи? Бунга нима дейсиз? Савоб илинжидаги ишингиз ўзингиз ва улар учун қимматга тушмайдими? Сўзимиз сўнгида янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги мана шу масалага ҳам жиддий эътибор қаратса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деймиз.

**Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,**  
Журналистика ва оммавий  
коммуникациялар университети  
Ҳарбий журналистика йўналиши  
талабаси

## МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДБИРЛАР САМАРАСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Хоразм вилояти кенгаши тасарруфидаги Питнак шаҳар ўқув-спорт техника клуби жамоаси ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, ёшларни чақирувга қадар тайёрлашда таълим муассасалари, шаҳар мудофаа ишлари бўлими, Ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилиб келинмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида турли мавзуларда маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари ташкил этилмоқда.

– Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида кўплаб спорт мусобақалари ўтказилиб, шаҳар ёшлари уларда муваффақиятли иштирок этди,



– дейди ЎСТК бошлиғи Фафур Рўзимов. – Айна пайтда ўқув-спорт техника клуби қошида фаолият кўрсатаётган ҳаво милтигидан ўқ отиш, картинг ва авиамоделъ каби секцияларда 36 нафар ёшлар жадвал асосида мунтазам шуғулланмоқдалар.

Кези келганда, таъкидлаб ўтиш жоизки, ташкилотнинг муҳим йўналишларидан яна бири оммавий касбдаги ходимларни тайёрлаш ишлари ҳам муваффақиятли бажариб келинмоқда. 2019 йил мобайнида 600 нафарга яқин турли тоифали ҳайдовчи тайёрланди. Шу кунларда 125 нафар «В», «ВС» тоифали ҳайдовчиликка номзод ўқитилмоқда. Бунинг учун синфхоналар талаб даражасида жиҳозланган. Амалий машғулотлар ўтказиш

учун ўқув автомобиллари ҳамда автодром ўқувчилар ихтиёрида. Назарий билим ва тажрибага эга бўлган ўқитувчи ва амалий машғулот усталари томонидан берилётган билим ва кўникмаларни пухта ўзлаштирган вилоят ИИБ ЙҲХБ ТРЎ ва ИО бўлинмаси имтиҳонларидан муваффақият билан ўтишмоқда.

Албатта, ўз навбатида Питнак шаҳар ЎСТК жамоасининг замон билан ҳамнафас қадам қўйиши соҳани такомиллаштириш, унга инновацион технологияларни жорий этиш йўналишидаги ишлар ривож учун муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиздир.

**Ақбар АЛЛАМУРОДОВ**



# MVSK АЪЗОСИ МИРЗАХАЛИЛОВ «ТОКИО - 2020» ГА БОРАДИ

Бокс бўйича Осиё/Океания минтақаси чарм қўлқоп усталари учун XXXII ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи мусобақа Иорданиянинг Амман шаҳрида бўлиб ўтди. Максимал вазифа терма жамоамиз аъзолари томонидан 70 фойизга бажарилди. Ўтган йили жаҳон чемпионлигига эришган MVSK (Mudofaa vazirligi sport klubi) аъзоси Миразизбек Миразахалилов энди Олимпиадада жанг қилади.

Иорданияга 17 февраль куни етиб борган Марат Қурбонов бош мураббийлигидаги бокс терма жамоамиз зиммасидаги максимал вазифа 8 та, яъни барча вазн тоифаси бўйича «Токио - 2020» Олимпиада ўйинларининг йўлланмасини қўлга киритиш эди. Бунинг учун етарлича асос ва имкониятлар мавжуд бўлиб, фақат улардан унумли тарзда фойдаланиш талаб қилинарди. Хусусан, 2019 йилда Екатеринбург шаҳрида ўтган жаҳон чемпионати Ўзбекистон бокс миллий жамоасининг умумжамоа ҳисобида ғолиблиги билан якунлангач, дунё биринчилигида совриндор бўлган чарм қўлқоп усталари ҳукуматимиз томонидан давлат мукофотлари билан тақдирланди, уларга автомобиллар совға қилинди. Бокс терма жамоамиз мамлакатимиз миқёсида «2019 йилнинг энг яхши терма жамоаси» деб топилди.

Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси (МОК) президентининг тегишли буйруғига кўра, вакилларимизнинг ўқув-машғулот йиғини ҳамда Осиё/Океания саралаш турнирида муваффақиятли иштирок этиб қайтишлари учун МОК томонидан Ўзбекистон бокс федерацияси ҳисоб рақамига 1 миллиард сўм атрофида маблағ ажратилди. Бу мураббийлар мушкулни енгиллаштириди – боксчиларимизнинг турнир ўтадиган шаҳар муҳитига мослашиши ҳамда тайёргарлик юқори даражада бўлиши учун ҳар бир вазн тоифасида спарринг рақибли уч нафардан вакилимизни икки хафта олдин Иорданияга олиб бориш имконини берди. Боз устига, Осиё/Океания саралаш турнирида икки китъа боксчилари Олимпиаданинг жами 41 та йўлланмаси учун кураш олиб боришди. Енгил (-52, -57, -63 кг) вазн тоифасидагилар 6 тадан, ўрта (-69, -75, -81 кг) вазнлилар 5 тадан, оғир (-91 ва +91 кг) вазнлилар 4 тадан йўлланма учун жанг қилишди. Ўтган йилги жаҳон чемпионатида юқори натижалар қайд этгани боис, терма жамоамиз боксчиларининг рейтинг юқори даражада эди ва бу Осиё/Океания саралаш турнирининг кураш ташлаш жараёнига ҳам ўз таъсирини ўтказиши олдиндан кутилганди. Айнан шундай бўлди – кураш натижаларига кўра, 8 нафар боксчимизнинг 5 нафари баҳсларга иккинчи босқичдан қўшилди. Шундай экан, нега боксчиларимиздан максимал вазифа – жорий йилги Олимпиада ўйинларининг 8 та йўлланмасини кутмаслигимиз керак?

Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийлар штаби Амман шаҳридаги ва ундан олдинги ўқув-машғулот йиғинлари давомида бир вазн тоифасидаги вакилларимизнинг ўзаро спарринг жанглари ташкил этиб, Олимпиада йўлланмаси учун курашадиган боксчиларимиз рўйхатини аниқлаб олишди. Танланган 8 нафар

боксчимизнинг 6 нафари ишончли оқлади, яъни Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг), Миразизбек Миразахалилов (-57 кг), Элнур Абдураимов (-63 кг), Бобо-Усмон Батуров (-69 кг), Санжар Турсунов (-91 кг) ва Баҳодир Жалолов (+91 кг) чиройли жанглари орқали Олимпиада йўлланмасини қўлга киритиб, ойнаи жаҳон қаршида баҳсларни катта иштиёқ билан кузатган юртимиз спорт мухлисларини ҳам хурсанд этишди.

Биз бокс хусусидаги хабар ва мақолаларимизда MVSK аъзоларини Ўзбекистон терма жамоасининг негизи



сифатида эътироф этардик. Эндиликда ундай эмас, терма жамоамиз етакчиларидан ҳисобланган бир қатор боксчилар MVSKни тарқ этишган. Севимли клубидан кетганлиги учунми уларнинг халқаро майдондаги жанглари ҳам қовушмаяпти. Хусусан, ўтган йилги жаҳон чемпионатида қумуш медални қўлга киритган MVSKнинг собиқ аъзоси Дилшодбек Рўзметов (-81 кг) Амман шаҳридаги Осиё/Океания саралаш турнири баҳсларига иккинчи босқичдан қўшилишига қарамай, илк жангидеёк австралиялик Пауло Аокусога ютқазиб қўйди.

Иорданиядан йўлланмасиз қайтган иккинчи боксчимиз Фанат Қахрамонов (-75 кг) бўлди. У ҳам MVSKнинг собиқ аъзоси. Аслида Амман шаҳрида Фанатнинг ўрнида MVSK аъзоси, «Рио - 2016» Олимпиадасининг қумуш медали соҳиби Бектемир Мелиқўзиевнинг жанг қилиши аввалдан режалаштирилганди. Делегациямизнинг Иорданияга етиб боришдан икки кун олдин Мелиқўзиев АҚШнинг Анахайм шаҳридаги профессионал бокс оқшомида қатнашди ва мексикалик Оскар Кортесни 1-раунддаёқ нокаутга учратиб, ғалаба қозонди. Ушбу ғалабадан сўнг у дарҳол йўлга тушиб, Иорданиядаги боксчиларимиз сафига бориб қўшилди. Лекин баҳслар бошланишига оз фурсат қолганда негадир терма жамоамиз

мураббийлари қарори ўзгарди, рингга Фанат Қахрамоновнинг кўтарилишини лозим топишди. Бу пайтда Фанат юртимиз томон йўлга чиқиб бўлган ва ҳатто Туркияга келиб улгурганди. «Уч кун ичида олти килограмм вазн ташлашимга тўғри келди ва бундан ўта чарчадим, лекин ўзимга билдирилган ишонччи оқлайман», дея ваъда берган Фанат Қахрамонов Иорданияда икки рақибининг қаршилигини енгиб, чорак финалга чиқди. Ҳал қилувчи жангда эса... аввал қозғистонлик Абилхан Аманқулга, сўнг йўлланма учун ўтиш баҳсида эронлик Сейедшаҳин Мусавига имкониятни бой берди.

Терма жамоамиз таркибига бу сафар MVSKнинг фақат бир вакили, яъни Миразизбек Миразахалилов (-57 кг) жалб этилди. Амалдаги жаҳон чемпиони бокс мухлисларимиз ишонччини яна оқлади. У Осиё/Океания саралаш турнири баҳсларига иккинчи босқичдан қўшилди ва ўзининг илк жангидеёк ҳиндистонлик Гаурав Соланкини мағлуб

ҳисобида мағлубиятга учратди. Абдураимов олтин медаль учун жангда қозғистонлик Закир Сафиуллинга қарши рингга кўтарилди. Кескин ва мурасасиз курашларга бой кечган мазкур финал баҳси турнирнинг энг ёрқин жанглари билан бири бўлди. Яқунда Элнур Абдураимов турнир ғолиблигига эришиб, терма жамоамиз ҳисобида иккинчи олтин медални тақдим этди.

«Токио - 2020» ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиб, асосий мақсадларига эришган боксчиларимиз Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг), Бобо-Усмон Батуров (-69 кг) ва Санжар Турсунов (-91 кг) ярим финал жангларида бўшашиб, турнирнинг бронза медални билан кифояланишди. Айниқса, амалдаги Олимпиада ва жаҳон чемпиони Шаҳобиддин Зоировнинг мағлубияти мухлисларимиз учун қутилмаган ҳол бўлди. Ўзи учун иккинчи Олимпиада йўлланмасини нақд қилган Зоиров ярим финалда таиландлик Титисан Панмтта, Бобо-Усмон Батуров иорданиялик Хуссейн Ишагга, Санжар Турсунов эса Янги Зеландия вакили Давид Никага ютқазиб қўйди.

Амалдаги жаҳон чемпиони ҳисобланган энг оғир (+91 кг) вазнли боксчимиз Баҳодир Жалолов мусобақанинг чорак финалидан баҳсларга қўшилди ва ўзининг илк жангидеёк Баҳрайн вакили Данис Латиповни мағлуб этиб, XXXII ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасига эришди. Чарм қўлқоп устамиз ярим финал баҳсида Хиндистон вакили Кумар Сатишга қарши рингга кўтарилди. 2019 йил 27 сентябрда «Ўзбекистон афтихори» фахрий унвони билан тақдирланган истеъдодли боксчимиз бу жангда ҳам рақибига ҳеч бир имкон бермай ғалаба қозонди. Финалда австралиялик Юстис Хунини кучли зарбалари билан мағлуб этган Баҳодир Жалолов турнирнинг олтин медали билан тақдирланди ва Иорданиядаги мусобақа Ўзбекистон мадҳияси янграши билан якунланди.

Шу тариқа, терма жамоамиз аъзолари 3 тадан олтин ва бронза медалларни қўлга киритиб, Аммандаги мусобақада умумжамоа ҳисобида 1-урини эгаллади ҳамда юртимизга 6 та лицензия билан қайтишди. XXXII ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам боксчиларимиздан шундай муваффақиятларни кутиб қоламиз.

«Токио - 2020» ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун Иордания ташкил этилган Осиё/Океания минтақаси боксчиларининг саралаш мусобақасида Лочин Қўчқоров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзолари ҳам қатнашди. Беш нафар боксчи қизимиздан фақат Турсуно Раҳимова (-51 кг) муваффақиятли жанг қилиб, ҳал қилувчи баҳсда таиландлик Ютумас Житпонгни мағлуб этган ҳолда Олимпиада лицензиясига эга бўлди.

Яқуний, яъни жаҳон миқёсидаги саралаш боксчи баҳслари Халқаро олимпия қўмитасининг бокс бўйича ишчи гуруҳи қарорига кўра, 13-24 май кунлари Париж шаҳрида ўтказилади ва унда Олимпиада ўйинларига йўлланма олмаган боксчилар сўнгги ҳал қилувчи жангларга киришади.

Расул ЖУМАЕВ



## ФУТБОЛ

# БАҲОРИЙ НАСИМЛАР ЯНА БИЗ БИЛАН

1992 йилда ташкил этилган футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг 29-мавсуми старт олди. Суперлиганинг дастлабки икки тур ўйинларидаги баҳорий насмлар жорий биринчилик қизиқарли кечишдан далолат берди.

2020 йилги мавсум миллий чемпионат тартиб-қоидаларига бир қатор ўзгаришлар киритилиши билан бошланди. Хусусан, ўтган мавсумда Суперлига клублари уч тоифадаги расмий мусобақаларда иштирок этгани, яъни ёшлар (U-18) ва ўринбосарлар (U-21) ўртасидаги биринчилик ҳамда асосий таркиб жамоалари ўртасидаги чемпионат. Ёшлар 28-мавсумда марказлашган ҳолда аввал гуруҳ, сўнг финал босқич баҳсларида қатнашгани, бу йилдан мазкур жамоалар асосий таркиб каби уй-сафар тизимида фаолият юритади. Суперлига асосий таркиб жамоаларидан бир кун олдин ўринбосарлар гуруҳи майдонга тушса, ёшлар икки кун аввал ўзаро куч синашади.



«Пахтакор» ва «Навбахор» жамоалари мунтазам равишда қатнашган. 29-мавсум айнан шу жамоалар ўртасидаги учрашув билан бошланди ва пойтахтимизда кечган ўйин 12 қарра Ўзбекистон чемпиони – «Пахтакор»нинг 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Амалдаги чемпион 2-тур учрашувини ҳам ўз майдонида «Бухоро»га қарши ўтказди ва йирик – 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, Суперлигада пешқадамликни ўз қўлига олди. Мазкур ўйин қаҳрамони бухороликлар дарвозасини уч бор ишғол этган «Пахтакор» ҳужумчиси Драган Черан бўлди – 65-дақиқада ҳисобни очди, 81-дақиқада пенальтидан гол урди ва 85-дақиқада учрашув қайдномасига якуний нуқтани қўйди.

Турнинг марказий ўйини дея баҳоланган «Навбахор» ва «Локомотив» учрашувида ҳақиқий футбол баҳори тантана қилди. Ўттиз мингдан ортиқ наманганлик футбол мухлислари қўллаб-қувватлаши остида кечган учрашувда майдон эгалари беш қарра Ўзбекистон чемпиони билан 2:0 ҳисобида устун келди. Гол муаллифлари Азимжон Аҳмедов (64-пен.) ва Игорь Голбан (88) бўлди.

Биринчи турда «Сўғдиёна»ни 3:0 ҳисобида мағлуб этиб, футбол мухлислари баҳорий хушқайфият улашган Суперлиганинг янги вакили «Машъал» иккинчи турда беш қарра мамлакат чемпиони – «Бунёдор» меҳмони бўлди. Учрашувда хавфли вазиятлар, шиддатли ҳужумлар ҳар иккала жамоа вакиллари томонидан тез-тез такрорланиб турди. Шунга қарамай, Жасур Жалолиддинов томонидан киритилган ягона гол «Бунёдор»га ғалаба тақдим этди.

Доим пешқадамчиларни тақиб этган, лекин бирор марта мамлакат чемпионлигига эришмаган Қаршининг «Насаф» жамоаси «Андижон»ни қабул қилди. Мезбонларнинг қўпол хатосидан сўнг 10-дақиқада Сирож Мелиев бўш дарвозани ишғол қилди. Қаршилликлар 72-дақиқага келиб ҳисобни тенглаштиришди – Бобир Абдухаликов дарвозабон билан бирга-бир вазиятга чиқиб, гол урди. Учрашув тугашига олти дақиқа қолганида Шароф Муҳитдинов «Насаф»нинг ғалаба тўпини киритди – 2:1.

Иккинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Металлург» – «Қўқон-1912» – 1:0; «Сўғдиёна» – АГМК – 1:1; «Қизилқум» – «Сурхон» – 1:2.

Тўпурлар баҳсида «Пахтакор» ва «Насаф» ҳужумчилари Драган Черан ҳамда Бобур Абдухаликов 3 тадан гол муаллифи сифатида пешқадам бўлиб турибди. Навбатдаги тур учрашувлари 13-15 март кунлари ўтказилади.

## ШОҲСУПА

(хабарлар)



**ПРОФЕССИОНАЛ БОКС.** Бутунжаҳон бокс уюшмаси (WBA) янги рейтингда 6 нафар боксчимиз қайд этилди. Муроджон Аҳмадалиев ўз вазн (-55,3 кг) тоифасида чемпион сифатида пешқадам. Наваррони нокаут эвазига мағлуб этиб, WBA Regular камари учун биринчи рақамли даввогарга айланган Исроил Мадримов (69,85 кг) аввалги ойдаги ўрндан бир поғона юқорилган, яъни 2-ўринда. Рустам Тўлаганов (-79,3 кг) ҳам юқорилаб, 15-ўрндан жой олган. MVSK (Mudofaa vazirligi sport klubi) аъзоси Бектемир Мелиқўзиев (-76,2 кг) рейтингда аввалги ойдаги каби 15-ўринда, Шоҳжаҳон Эргашев (-63,5 кг) ва Шаҳрам Ғиёсов (-63,5 кг) ҳам 6 ва 7-ўринларда сақланиб қолган.



**ОЛИМПИАДА.** Халқаро олимпия қўмитаси (ХОК) мусобақаларнинг ўз вақтида ўтказилиши тўғрисидаги қарорини қабул қилиш билан коронавирус тўғрисидаги Олимпиада ўйинлари қолдирилиши борасида тарқалган турли тахминларга нуқта қўйди. Қарорда таъкидланишича, барча спортчилар тўрт йилликнинг энг йирик турнирига ҳозирликни давом эттиришлари мумкин. Япония расмийлари Олимпиадага хавф йўқлигини айтишган ва тайёрларик учун 12 миллиард доллардан кўп маблағ сарфлаган.



**БОКС.** Финляндиядаги халқаро турнирда терма жамоамиз 2-таркиби вакиллари, яъни уч нафар ёш боксчимиз борган бўлса-да, яқунда уларнинг икки нафари шоҳсупага кўтарилди. Финалда 2017 йилги жаҳон чемпиони қозғистонлик Қайрат Ералиевни мағлуб этган ҳамюртимиз Абдумалик Халаков (-57 кг) турнирнинг олтин медали билан тақдирланди. Финалга қадар етиб борган Асадхўжа Мўйдинхўжаев (-63 кг) эса қошидан олган жароҳат сабаб сўнгги жангини ўтказолмади ва кумуш медаль билан кифояланди.



**ВЕЛОСПОРТ.** 2017 йилгача Россия терма жамоаси шарафини ҳимоя қилиб, 3 қарра Олимпия ўйинлари совриндори бўлган Ольга Забелинская 2018 йилдан терма жамоамиз вакили сифатида мусобақаларда қатнашмоқда. У 2019 йили Тошкентда ўтган велососссе бўйича Осиё чемпионатида «Токио – 2020» ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма олганди. Бироқ спортчиларнинг фуқаролиги алмашган ҳолатда Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан расмий тасдиқ берилиши кутилади. ХОҚ Ольга Забелинскаянинг «Токио – 2020»да Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилиши мумкинлигини расман тасдиқлади.



**ФУТЗАЛ.** Қаршининг «Севинч» клуби аёллар ўртасида 14 марта ўтказилган мамлакат биринчилигининг барчасида чемпион бўлган, 11 мартаба ташкил этилган Кубок ўйинларининг 10 тасида ғолиб чиққанди. Жиззахда бўлиб ўтган навбатдаги Ўзбекистон Кубоги мусобақаси финалида «Севинч» мезбонлар вакили – «Сўғдиёна W» жамоасини 11:1 ҳисобида мағлуб этиб, 11-март Кубок соҳибига айланди.



**ХОККЕЙ.** Тошкентнинг «Ҳумо» жамоаси Олий хоккей лигасининг (ВХЛ) «плей-офф» босқичи 1/8 финалида Нефтекаменнинг «Торос» клубини тўрт ғалабагача давом этган серияда 4:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Жамоамизнинг чорак финалдаги рақиби «Звезда» (Москва) бўлади. Бу баҳс ҳам тўртта ғалабагача давом этади.

№	Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	«Пахтакор»	2	2	0	0	5-1	6
2.	«Насаф»	2	2	0	0	5-2	6
3.	«Бунёдор»	2	2	0	0	4-1	6
4.	«Металлург»	2	1	0	0	2-1	4
5.	«Машъал»	2	1	1	1	3-1	3
6.	«Қўқон-1912»	2	1	1	1	3-1	3
7.	«Навбахор»	2	1	1	1	3-2	3
8.	«Сурхон»	2	1	1	1	3-4	3
9.	«Локомотив»	2	1	1	1	2-3	3
10.	АГМК	2	0	0	0	2-2	2
11.	«Сўғдиёна»	2	0	1	1	1-4	1
12.	«Андижон»	2	0	2	2	2-4	0
13.	«Қизилқум»	2	0	2	2	2-5	0
14.	«Бухоро»	2	0	2	2	0-6	0

Бу йилдан эътиборан Суперлига жамоаларида асосий таркиб ўйинчиларининг ёши чегараланмайдиган бўлди, яъни Регламентда белгиланган «учрашув қайдномасига икки нафар 1997 йил ва ундан кейинги йилларда туғилган камидан икки нафар футболчиларни киритиш ҳамда улардан бирини камидан 45 дақиқа ўйнатиш шарт» деган модда ҳам олиб ташланди.

Суперлига баҳслари 14 та жамоа иштирокида бошланди. Чемпионат якунида турнир жадвалида сўнгги ўринни эгаллаган жамоа тўғридан-тўғри Про-лигага равона бўлади. Суперлигада 13-ўрндан жой олган жамоа эса Про-лиганинг иккинчи жамоаси билан ўтиш баҳсида куч синашади. Мазкур ягона ўйин Про-лига вакили майдонида ташкил этилади.

Про-лиганинг 8 та жамоаси жорий мавсумда 4 даврли 28 та тур учрашувларини ўтказилади. Яқунда 8-ўринни эгаллаган жамоа Биринчи лигага тушиб кетади. 7-ўрин эгаси эса Биринчи лиганинг 2-жамоасига қарши бетараф стадионда «плей-офф» баҳсини ўтказилади. Про-лига баҳслари 17 март куни старт берилади.

Ортада қолган 28 мавсум қайдномасига назар солсак олий дивизион баҳсларида фақат «Пахта-



## ХАРБИЙ ТЕХНИКА

# МАСОФАДАН БОШҚАРИЛУВЧИ МОДУЛЬ

Германиянинг «Рейнметалл» компанияси мутахассислари томонидан MM UGV (Mission Master Unmanned Ground Vehicle) деб номланган янги масофадан бошқарилувчи модуль машина ишлаб чиқилди. Мазкур гилдиракли сузувчи платформа алмаштирилувчи ускуналар (радиолокацион станциялар, тепловизорлар, видео- ва телевизион камералар, датчиклар ва ҳ.к.лар)нинг таркиби ва белгиланишига боғлиқ равишда турли вазифаларни ҳал қилиш, шу жумладан разведка, тегишли ҳудудларда кузатув ишларини олиб бориш ёки юклар ташиш учун жалб этилиши мумкин.




Шунингдек, унга масофадан бошқарилувчи қурол модули ўрнатилиши ҳам кўзда тутилган. Ишлаб чиқарувчи компания маълумотига кўра, мазкур янги машиналар Қуруқликдаги қўшинлар ихтиёридаги бошқа тизимлар ва бўғинлар билан уйғунликда тезкор разведка ва нишонлар қидирувини таъминлайди, мураккаб ҳудудларда, масалан, бинолар зич қурилган районлар ёки ўтиш қийин бўлган жойларда жанговар ҳаракатлар олиб боришни енгиллаштиради. MM UGVнинг жанговар оғирлиги деярли 1 тонна, фойдали юкланма

оғирлиги 300 кг, текис юзалик бўйича максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 40 км, сувда ҳаракатланиш вақтида – соатига 5 км.ни ташкил этади.

# СУБМАРИНА НОВОГО ПОКОЛЕНИЯ

Военно-морские силы Швеции получат первую подводную лодку нового поколения проекта А26 в 2024 году, строительство которой ведется на верфи в г. Карлсруна. Новая субмарина предназначена для ведения операций в прибрежных водах. Ее водоизмещение стандартного варианта 1 900 тонн, длина 63 метра, ширина 6,4 метра, заявленная скорость подводного хода до 20 узлов, вооружение – четыре торпедных аппарата калибра 533 миллиметра. Предполагается, что экипаж лодки не превысит 26 человек.

В 2017 году компания «СААБ» представила также макет подлодки модернизированного проекта А26 с дополнительной 10-метровой секцией, рассчитанной на размещение трех установок вертикального пуска для крылатых ракет морского базирования «Томахок». В таком варианте водоизмещение субмарины составит 2 400 тонн. Это первый случай, когда неатомная подводная лодка спроектирована с ракетным комплексом «Томахок». Со временем данные лодки нового поколения заменят устаревшие типа «Готланд».



# ЯНГИ ЖАНГОВАР МАШИНА

Италия Қуролли Кучлари яқин истиқболда оғир қурол билан жиҳозланган «Чентауро-2» типдаги янги жанговар машиналар билан таъминланади. Бу машина бундан аввал ишлаб чиқарилган модель – «Чентауро-1»нинг модификацияланган варианты ҳисобланади. 8 x 8 кўринишидаги гилдираклар формуласига эга бўлган янги машина такомиллаштирилган зирх ва башняга ўрнатилган 105 ёки 120 мм.ли тўп билан жиҳозланган. «Чентауро-2» разведка вазифаларини бажариш ҳамда душманнинг зирхли техникасига қарши кураш олиб бориш учун мўлжалланган.

Янги машинанинг жанговар оғирлиги 30 тонна, корпус узунлиги 7,4 метр, эни 3,14 метрни ташкил этади. Юқорида кўрсатиб ўтилган калибрдаги тўпдан ташқари, машина башнясига масофадан бошқарилувчи 12,7 мм.ли пулемёт ҳам ўрнатилган. Таҳминларга кўра, тажрибавий фойдаланиш учун мўлжалланган дастлабки тўртта «Чентауро-2» мамлакат Қуролли Кучларига 2020 йилнинг биринчи ярмида, яна олти та машина 2021 йилда етказиб берилди. Умумий ҳисобда эса бундай типдаги машиналардан 148 тасига буюртма бериш, шунингдек, уларни экспорт учун ишлаб чиқариш режалаштирилган.



# ПЕРСПЕКТИВНЫЙ ТУРБОРЕАКТИВНЫЙ САМОЛЁТ

Украинское государственное предприятие «Антонов» при финансовой поддержке со стороны Турции разрабатывает военно-транспортный самолёт (ВТС) Ан-188. Согласно заявлениям специалистов предприятия, перспективный турбореактивный ВТС будет иметь грузоподъемность около 50 тонн и сможет перевозить до 300 военнослужащих, военную технику различных видов, инженерное оборудование, вертолёты, а также грузы на паллетах и в контейнерах. Предполагается, что машина сможет базироваться на различных аэродромах, в том числе с грунтовыми взлетно-посадочными полосами.

Некоторые проектные характеристики Ан-188: дистанция разбега (пробега) должна составить 600 (800) м, длина – 40,7 м, высота – 16,4 м, размах крыла – 44,1 м2, максимальная взлетная масса – 140 т, максимальная скорость полета – 780 км/ч, практическая дальность полета с грузом массой 37 тонн – 3 600 км, объем грузовой кабины 400 м3. Самолёт создается в соответствии со стандартами НАТО. Макет данного летательного аппарата впервые официально был представлен на международной аэрокосмической выставке «Евразия эршоу-2018», прошедшей в апреле 2018 года в г. Анталья (Турция).

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.



## КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ



Индиана штатидаги Саут-Бенд шаҳрининг собиқ мэри Пит Буттижич АҚШ президентлигига бўлаётган пойгадан чиқишга қарор қилган. Буттижич Жанубий Каролинада бўлиб ўтган праймеризда мағлубиятга учрагани сабабли шу қарорга келганлигини маълум қилган. У Айова штатида ғалаба қилганди, Нью-Гэмпширда эса иккинчи ўринни эгаллади, лекин Саут-Бендда омади келмади. Дастлабки учта праймериз натижасига кўра, пойгада Вермонт штатидан сенатор Берни Сандерс олдинда бормоқда. Ундан кейинги ўринни АҚШнинг собиқ вице-президенти Жо Байден эгаллаган.

## НАВБАТДАГИ ХАРБИЙ МАШҚЛАР



Венесуэла Президенти Николас Мадуро мамлакатда навбатдаги ҳарбий машқлар бошлангани ҳақида баёнот берди. Экспертлар ушбу баёнот халқроқ нефть бозорида нархнинг қулаши ҳамда унинг кетидан фонд биржаларидаги кескин тебранишлар бошланганидан кейин эълон қилинганга эътибор қаратишмоқда. «Тинчлигимиз, мустақиллигимиз ва чегараларимиз мустаҳкамлигини ўйлаб, машқларнинг иккинчи босқичини бошлаяймиз», дея таъкидлади Президент Мадуро. Айтиш жоизки, Венесуэла ОПЕК аъзоси бўлиб, дунёдаги энг кўп нефть экспорт қилувчи давлатларнинг бири ҳисобланади.

## ПРЕЗИДЕНТ ТАСДИҚЛАДИ



Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон Россиядан С-400 типдаги ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимларининг деярли барча таркибий қисмлари олингани ва бу тизимлар жорий йилнинг апрель ойида фойдаланишга киритилишини тасдиқлади. Айтиш жоизки, Россиядан бу типдаги тизимларнинг харид қилиниши Туркиянинг АҚШ билан ўзаро муносабатларига салбий таъсир кўрсатган эди. Вашингтон бу қилишудан воз кечиш ва С-400 ўрнига АҚШдан Patriot типдаги комплекслар харид қилишни талаб этган эди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



## МАСЛАХАТ

## ҚЎЗИҚОРИНДАН ЗАҲАРЛАНИШ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Ўзбекистон ҳудудида қўзиқоринларнинг 300 дан зиёд турлари ўсади. Бироқ шулардан атиги 25 туригина истеъмол учун яроқли. 275 турдаги заҳарли қўзиқорин таркибида гелвелли кислотаси, фаллотоксин, аммонитоксин ва бошқа заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, уларга қанчалик ишлов берилмасин, бу заҳарли моддалар йўқолиб кетмайди.

Қўзиқоринларни болалар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар, овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари бўлган одамларга истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Болалар танасида уларни ҳазм қилиш учун зарур бўлган ферментлар мавжуд

эмаслиги сабабли 14 ёшгача бўлган болаларга қўзиқорин ёки қўзиқоринли маҳсулотлар бериш мумкин эмас.

Кўп ҳолларда заҳарланиш қўзиқорин истеъмол қилингандан сўнг 1-2 соат ўтгач, ҳолсизлик, кўнгил айниши, қусиш, қоринда оғриқ пайдо бўлиши билан номён бўлади. Шунингдек, сўлак оқиши, кўп терлаш, кўздан ёш оқиши, пульснинг секинлашиши, алаҳсираш (галлюцинация), титраш ҳолатлари ҳам кузатилади. Кўз қорачиғининг кенгайиши ёки унинг торайиши ҳам заҳарланиш аломатларидир.

Қўзиқориндан заҳарланганда беморга малакали тиббий ёрдам



кўрсатилса, 2-3 кунда соғайиб кетади. Ўз вақтида даво чоралари кўрилмаган тақдирда беморнинг аҳволи ёмонлашади ва бу ўлим билан тугаши мумкин.

Қўзиқориндан заҳарланишнинг олдини олиш учун қуйидагилар тавсия этилади:

оилавий дам олиш вақтида ёки дала-ўқув машғулотлари вақтида далаларда, адирлар ва қирларда ўсган қўзиқоринларни терманг ҳамда истеъмол қилманг;

қўзиқоринни хомлигича татиб кўрманг;

йўл ёқаларида ёки белгиланмаган жойларда сотилаётган қўзиқоринларни харид қилманг; бозорлардан истеъмолга яроқлилик тўғрисида ҳужжати бўлмаган қўзиқоринларни сотиб олманг.

**Тиббий хизмат капитани**  
**Ў. ДАВРОНОВ,**  
**Қуролли Кучлар хизматчиси**  
**Р. ТЎХТАМАТОВ**

Техника тараққий этган бугунги даврда уяли телефонлар оммалашиб кетди. Маълумотларга кўра, айни вақтда сайёрамизнинг 95% дан ортиқроқ аҳолиси ундан мунтазам фойдаланади. Афсуски, телефонлар ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб улгурган бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбалар орқали уяли телефонларнинг инсон организмга салбий таъсири тўғрисидаги маълумотларни кўп учратяпмиз. Аслида ҳам уяли алоқа воситалари соғлиқ учун зарарлими?

Телефонларни электромагнит нурланишлар тарқатиши ва бу бевосита инсон танасига яқин жойда (асосан бош қисмида) рўй бериши доимо инсон соғлиғига хавф солиб туриши мумкин.

Масалан, смартфонларга муккасидан кетган инсонлар нотабий жисмоний юкларга дучор бўладилар. Бунинг оқибатида бел қисмидаги оғриқдан жабр чекаётган ўсмирлар

## УЯЛИ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ СОҒЛИҚ УЧУН ЗАРАРЛИ(МИ)?



2000 йилга нисбатан солиштирилганда 65% га кўпайган.

Телефонлар бизни дангаса қилиб қўймоқда. Натижада семириш касаллиги кўпайиб борапти. Семиришнинг ёки ортиқча вазннинг салбий оқибатлари эса ҳаммага маълум, масалан, юрак-қон томири касаллиги, ошқозон-ичак касалликларига олиб келиш мумкин.

Кўпчилик телефонларини шимлари чўнтақларида олиб юради, тажрибалар шуни кўрсатдики, улардан таралган нурланишлар натижасида бепуштик касали пайдо бўлиши исботланган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, уяли телефонларнинг сиртида жуда кўп микроорганизмлар бўлади ва улар орқали юқумли касалликлар тарқалиши мумкин.

Болаларга телефон керакми? «Албатта, уяли алоқа воситаси болаларнинг хавфсизлиги учун муҳим», деган фикр хаёлингиздан ўтгани шубҳасиз. Лекин, масалани иккинчи томондан олиб қарасак, болалар қанча

кўп уяли телефонлардан фойдаланса, мияда физиологик ўзгаришлар хавфи шунча марта кўп бўлар экан, чунки бола организм доимо ривожланишда бўлади.

Келинг, уяли алоқа воситаларининг болалар организмга бевосита таъсири ва унинг натижасида ўзини тутиши бўйича оқибатларини санаб ўтамиз:

- уйқунинг етишмаслиги ёш организмда миянинг ривожланишига салбий таъсир қилади;
- ўқиш пайтида фикрни жамлай олмаслик (ўзлаштириши пайсаиб кетади);
- ҳар хил сайтларга кириш оқибатида (шу жумладан тақиқланган) бола тарбиясининг бузилиши.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, албатта уяли алоқа воситаларисиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Лекин барибир улардан фойдаланишда эҳтиёт чораларига риоя қилишимиз керак бўлади.

**Тиббий хизмат майори Мақсуда ЯРАЛОВА,**  
**Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология**  
**назорат маркази бўлима бошлиғи.**  
**Муротали ИМОМАЛИЕВ, марказ мутахассиси**

## БАРЧАСИ РЕЖА БЎЙИЧА



Қозоғистон Республикаси энергетика вазири Нурлан Ногаев мамлакатда нефть қазиб олиш бўйича 2020 йилга мўлжалланган режага амал қилиниши, қазиб олинadиган нефть миқдорини ошириш ёки камайтириш кўзда тутилмаганини маълум қилди. Январ ойида мамлакат Бош вазири Асқар Мамин жорий йилда Қозоғистонда 90 миллион тонна нефть қазиб олиниши режалаштирилганини айтиб ўтган эди. Ортада қолган 2019 йилда бу кўрсаткич 90,5 миллион тоннани ташкил этган.

## КЕЛИШУВ КУЧГА КИРДИ



Толиблар билан эришилган тарихий келишувни амалга ошириш доирасида АҚШ ўз қўшинларини Афғонистондан олиб чиқишни бошлади, деб хабар қилади CNN агентлиги АҚШнинг шу мамлакатдаги қўшинлари кўмондонлиги вакили Сонни Леггетга таянган ҳолда. «АҚШнинг Афғонистондаги Қуроли Кучлари (USFOR-A) ўз ҳарбийлари сонини камайтиришни бошлади ва улар 135 кун мобайнида 8 600 кишигача камайтирилади», деди Леггетт.

## АВТОБУСЛАР ХАРИД ҚИЛИНАДИ



Туркменистон Жанубий Кореяда ишлаб чиқариладиган «Hyundai All New Super Aero City» русумли автобуслардан 400 тасини харид қилди. Тегишли қарор мамлакат Президенти Гурбангули Берdimухамедов томонидан имзоланган. Унга кўра, «Туркманавтотранспорт» агентлиги мамлакат аҳолисига кўрсатиладиган транспорт хизмати сифатини ошириш мақсадида «Hyundai» корпорацияси билан шаҳар ичида қатновчи 400 та автобус, шунингдек, эҳтиёт қисмларини етказиб бериш бўйича шартнома тузади.









# Bolajon

## XONTAXTA – MATEMATIKA SAYYORASI XON TAXTIMI?

– Bolam, qo'y, shu stol-stulingni. Undan ko'ra xontaxtani yasat, oyog'imizni bemalol cho'zib o'tiraylik, – dedi Sherzodning buvasi stolga dasturxon yozayotgan qiziga.

Sherzod ham oilasidagi barchaning xontaxta atrofida o'tirib ovqatlanishini yaxshi ko'radi. Dasturxon yig'ishtirib olingach, buvasi yostiqaqqa yonboshlaydi. Ana shunda Sherzod bilan Mahmud bobolaridan ertak yoki cho'pchak aytib berishini so'rashadi.

– Bobojon, xontaxtamizni o'zingiz yasaganingiz uchun yaxshi ko'rasizmi? – so'radi Sherzod.

– Bobo, nega uni "xontaxta" deyishadi? Yoki unda rostdan ham nonlar ovqatlanganmi? – suhbatga qo'shildi Mahmudjon.

– Bu savollaringizga ertaga birgalashib javob topamiz, – jilmaydi Akmal bobo.

Ertasi kuni bobo nabiralarini O'zbekiston xalqlari tarixi Davlat muzeyiga olib bordi. Bobo sersavol kichintoylarga dastlab muzey zallaridan birida turgan tosh xontaxtani ko'rsatdi. Muzey xodimining aytishicha, uchburchak oyoqli bu mo'jaz xontaxta eramizdan avvalgi I asrda tog' toshidan tarashlab yasalgan ekan. Oshxona buyumini yasashni qabila boshliqlari buyurgani va undan faqat zodagonlar foydalangan uchun uni "xontaxta" deyishgan ekan. Muzey xodimi Sherzod va Mahmudga xontaxta haqida yana ko'plab ma'lumotlarni aytib berdi:

– Keyinchalik ham bu an'ana davom etib, undan asosan xon saroylari va beklar xonadonlarida foydalanilgan. Ammo bu vaqtda u toshdan emas, ko'tarib yurish uchun qulay bo'lgan qattiq, qurt tushmaydigan yog'ochdan yasalgan.

XIX-XX asrlardan boshlab uning shakl-shamoyili, hashamlari ham o'zgarib borgan. Mehmonlar uchun qo'yiladigan xontaxtalar keng, uzun bo'lib, unga chiroyli naqshlar o'yilgan. Oshxonada foydalaniladigan sipogina xontaxtalar esa bejirimgina, yengil yog'ochlardan tayyorlangan.


Taniqli ustalar – O'zbekiston xalq rassomlari qo'qonlik Qodirjon Haydarov, toshkentlik Sulaymon Xo'jayev, Olimjon Qosimov yasagan pargari, grix, islimiy naqshinkor aylanma, to'rt, sakkiz qirrali hashamatli xontaxtalar ham muzeydan joy olgan ekan. Bobolarimiz tafakkuri bilan yaratilgan xontaxtadan bugungi kunda juda ko'p Sharq davlatlarida ham foydalanishar ekan.

Bolalar xontaxta haqida muzeydan olgan ma'lumotlarini uyga kelib, dadalariga aytib berishdi. Shifokor bo'lib ishlaydigan Akbar aka bolalariga xontaxta haqida yana qiziqarli ma'lumotlarni qo'shimcha qildi:

– Xontaxta inson salomatligi uchun ham foydali. Chunki stulda ko'p o'tirgan kishilar tanasida doimiy tuz yig'ilib boradi. Xontaxta atrofida esa istagancha harakat qilish mumkin. 5-6 soat davomida partada yoki kompyuter kursisida o'tirib charchagan odam uyga kelgach, ko'rpachaga o'tirib, oyog'ini xontaxta tagiga uzatgancha bemalol ovqatlangan, charchog'i tez chiqadi.

Sherzod bilan Mahmudjon xontaxta yonida o'tirib, dadalarini maroq bilan tinglashdi.

M. HAMIDOVA



## TUZOQ

*Bir kuni bir shalpangquloq, Shalpangquloq zavqqa  
Internetdan izlab o'rtoq, to'lib,  
Tanishibdi tasodifan, Orzusi bir olam bo'lib,  
Quyvon deb bir bo'ri bilan. Adirni oshib borsa u,  
Uyqu bilmay tongga qadar. Bo'riga kelibdi ro'baro'.  
Yozishibdi xat-u xabar. O'lja bo'libdi oviga,  
Bir-biriga bog'lanibdi, Uchib bo'ri aldoviga.  
Ucharshuvga chog'lanibdi,*

Faxriddin HAYIT

## O'YLA, YILA, TOP!





БУ ҚИЗИҚ!

# КИМ, ҚАЧОН, ҚАЕРДА

## биринчи бўлган?

Буюк британиялик Жесси Уайт Марио (1832 – 1906) **биринчи ҳарбий муҳбир аёл** ҳисобланади.



Лондонда чоп этилган «Морнинг Стар» газетаси 1861 йилда унга Италиядаги бирлашув жараёнлари ҳақида ҳар ҳафтада учтадан мақола тайёрлашни буюртма қилган. Тиришқоқ ва ҳаракатчанлиги билан ажралиб турувчи Жесси бунга қадар ҳам, аниқроғи, 1856 йилдан бошлаб «Дейли Ньюс» саҳифаларида Италиядаги муаммоларни ёритиб келган, бироқ айнан «Морнинг Стар»да доимий муҳбир сифатида фаолият олиб борган. Италия халқ қахрамони, таниқли саркарда генерал Гарибальдининг яқин дўсти бўлган Жесси жанг майдонларида фақат кузатувчи-репортёр бўлибгина қолмай, ярадорларга ёрдам кўрсатувчи ҳамшира вазифасини ҳам бажарган. Бундан ташқари, у тарихий манбаларда **расмий аккредитацияга эга бўлган биринчи муҳбир аёл** сифатида ҳам қайд этилган.

Жамоатчилик орасида кўпроқ баронесса де Ларош сифатида маълум бўлган Элиза Деррош **биринчи учувчи аёл** ҳисобланади. У осмонга парвоз қилишни «Воизен» деб номланган биплан (устма-уст



қанотли самолёт)да бош инструктор кузатуви остида ўрганган. Узининг 300 ярд (270 метр) масофага мўлжалланган биринчи мустақил парвозини эса 1909 йилнинг 22 октябрида амалга оширган. 1910 йилнинг 8 мартида тегишли дипломга эга бўлган баронесса дунёдаги биринчи профессионал учувчи аёлга айланган.

Туркия Республикаси асосчиси ва Биринчи Президенти Мустафо

Камол Отатуркнинг асранди қизи – 22 ёшли Сабиҳа Гокхен **ҳаво жангларида иштирок этган биринчи учувчи аёл** ҳисобланади.



У мамлакат учувчилар корпусининг тўққизта самолётдан ташкил топган бўлими таркибида 1937 йилнинг март – июнь ойларида курдлар қўзғолнини бостиришда иштирок этган. Ўша давр матбуоти мард ва жасур Сабиҳага «Ҳаво амалдонлари» деб ном берган. Кўплаб жанговар операцияларда қатнашган аёл 1966 йилгача ўқитиш давом эттирган ва кейинчалик учувчилар йўриқчиси сифатида фаолият олиб борган. Сабиҳа Гокхен учувчиларнинг олий мукофоти – «Флайн Медал» билан тақдирланган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, **биринчи адвокат аёл**



АҚШнинг Айова штатидаги Маунт Плезант шаҳрида истиқомат қилган Арабелла Мансфилд бўлиб, у 1869 йилда юридик йўналишдаги махсус ўқув курсини тугатганидан сўнг адвокатлар сафига қабул қилинган.

1918 йилнинг 25 ноябрида Венгрия Президенти Михаэл Каролвининг таклифи бўйича мазкур мамлакатнинг Швейцариядаги элчихонаси раҳбарлигини ўз зиммасига олган Розике Швиммер (1877 – 1948) дунёдаги **биринчи элчи аёл** сифатида тарих саҳифаларидан жой олган.

1866 йилнинг 21 февралда Цинциннати штатидаги Огайо шаҳрида жойлашган Дантистика



коллежи дипломига сазовор бўлган Люси Б. Хоббс **аёллар орасидаги биринчи тиш шифокори**га айланган.



Ўша даврларда бу касб соҳибларидан махсус лицензия талаб этилмагани боис, мисс Хоббс ўқишга киришдан олдин бир неча йил мобайнида тиш шифокори амалиётига эга бўлган. Натижада бу борада яхшигина тажриба тўплаган Люси коллежда атиги бир семестр давомида таълим олган.

1732 йилда таваллуд топган ва 1762 йилнинг 25 январидан бошлаб «Ридинг Меркури» журналининг бош муҳаррири ва ношири сифатида фаолият олиб борган Анна Мария Смарт дунёдаги **биринчи муҳаррир аёл** ҳисобланади.



Унинг раҳбарлиги остида бу журнал таниқли нашрлардан бирига айланади. Аммо Мария Смарт фақат бир неча ой мобайнида дунёдаги ягона муҳаррир аёл сифатида ишлаган, чунки айнан ўша йилнинг 22 августида машҳур Бенжамин Франклиннинг келини Энн Франклин «Ньюпорт Меркури» журнали бош муҳарририга айланган.

1870 йилнинг 1 февралда АҚШнинг Вайоминг штатидаги Саут Пасс шаҳарчасида келиштирувчи судья лавозимига тайинланган Эстер Моррис **дунёдаги биринчи юрист аёл** сифатида мамлакат тарихи саҳифаларидан жой олган.



П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

БИР ЧИМДИМ

Хатолар қилмаслик учун тажриба тўплаш керак. Тажриба тўплаш учун хато қилиш лозим.

Зинеддин ЗИДАН



БИЛАСИЗМИ?

Қадимдан жангу жадалларда Миср, Рим, Юнон лашкарларидан тортиб, Амир Темур, Шайбонийхон, Наполеондан тортиб, то бугунги кунгача қўшинлар бир хил рангда кийинтирилган. Бу биринчидан, қўшиндаги интизомни, тартибни белгиланган. Иккинчидан, рақибдан ажралиб туришни таъминлаган. Қадимда унинг яна бир фойдали томони бўлган. Бу ютуқ ҳам ҳисобланган. Бир хил кийим нимани ифодалаган?

«нелте нәомен инигилилтлү зинниптлқ дг ев нелтебрлқ корцлқ degodeg ижги ининоз дев -иънеж ииъиж лих диг ижә лнед лих диг :овевж»

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Рейхстагни разведка қилган ўзбек учувчиси

Коронавирус қандай касаллик?

# VATANPARVAR

Муассис:

Бош муҳаррир майор Аҳрор ОЧИЛОВ

Навбатчи:

майор Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

Саҳифаловчилар:

Рамиз ВАЛИЕВ  
Роберт ИСЛАКАЕВ

Мусахҳиҳлар:

Зебо САРИЕВА  
Сайёра МЕЛИҚЎЗИЕВА

Телефонлар:

71-260-36-50  
Факс: 71-260-32-29.

ISSN 2010-5541

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» Бирлашган тахририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-362  
Ҳажми: 6 босма табоқ, Бичими: А3.  
Адади: 37 774 нусха.  
Босишга топшириш вақти: 14:00.  
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.  
Баҳоси: келишилган нарҳда.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

Манзилимиз: 100164, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй.



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИ